

132

193

Омон Мухторов

ВАЗИФА



Омон Мухторов

ВАЗИФА

Ҳикоялар

Қиссалар



Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат қўшма кутубхонаси

1988

Ўз 2
М 93

Мухторов, Омон.

Вазифа: Ҳикоялар. Қиссалар.— Т.: Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1988.—336 б.

Ёзувчи Омон Мухторовнинг ушбу тупламига шу пайтгача яратган бир туркум асарлари ҳамда кейинги йилларда ёзган бир неча қисса ва ҳикоялари киритилган. Уларда бухороликларнинг феъл-атвори, замондошларимизнинг ташвишу қувончлари рағбатли буюкларда бадий акс эттирилган.

Мухтаров, Аман. Предначертание: Рассказы. Повести.

Ўз 2

4702570200 — 48
М ————— 86 — 88
М352(04) — 88

ISBN 5 — 635 — 00051 — 7

ҲИКОЯЛАР



АХМАД АКАНИНГ ҚИЗЛАРИ

Аввалдан айтишим керак: бундай воқеа бизда кўп учрайди. Шу вайдан, кимдир ўқиганман, эшитганман, дейиши мумкин. Аммо ундайларга эътибор бермаган маъқул...

Қисқаси, Аҳмад ака бир пайтлар йигитмисан, йигит эди. Ўшанда у Аҳмад ака ҳам эмас, фақат Аҳмад эди, тўғрироғи — Аҳмад полвон!..

Кимдир тўй қиладими, маросимми — дарҳол Аҳмад полвонни суриштирарди. Гап шундаки, икки чақирим наридан дошқозонни кўтариб келадиган бақувватроқ одамга халойиқнинг кўзи учиб туради. Масала фақат қозонда бўлса майли эди. Тўй, маросим деганининг ўзига яраша даҳмазалари бор. Бировлар кўнглига олмасин-ку, лекин, масалан, бизнинг ҳозирги бахтли замонамизда ўтин ёришга ҳам на кучи, на ўқуви бўлган йигитларимиз анча-мунча топилади. Демак, кимни ҳамма излашга тушади — Аҳмад полвонни. Бунинг устига, Аҳмад полвоннинг хизматида миннат йўқ. Унинг тўғри, ҳалол одам эканлигини айтмайсизми! Биргина мисол: қайсидир бир тўйда қилтириққина куёв тикмачокдек келишни аравадан кўтариб тушишга қийналиб қолади. Аҳмад полвон аввал бир оз қараб туради, кейин сабри чидамайди, бориб келишни даст кўтарганча, ичкарига киритиб қўяди. Лекин, ҳеч парса бўлмагандек, тўйхонада яна юмушини давом эттиравергани боис, бирон-бир киши бу воқеани кўнглига малол олмайди.

Гапни сал чўзиб юбордим. Қисқаси, Аҳмад ака бир пайтлар шунақа йигит эди. У, хизматдан ташқари, тўйлар, байрамларда курашга ҳам тушарди. Елкаси ҳеч қачон ер кўрмаган эди. Бироқ ўзини камтар тутар, унинг ҳамма ишида, ҳали айтганимиздек, тўғрилиқ, ҳалоллик акс этарди. Қилмиши эзгуликдан иборат эди: кимнингдир лойга ботган машинасини елкаси билан туртиб жилдириб юборадими-е, йўлда ётган катта бир тошни четга суриб ташлайдими-е...

Менинг гапимдан, бу полвон бутун умри кўча-кўйда ўтадиган, қиладиган ишининг тайини йўқ, бекорчи бир

тўғина бўлгандир-да, деб ўйламанг. Аҳмад ака ўсмир-
лигидан пахта заводидан ишлаган. Ҳозир ҳам...

Майли, чалгимай, бир бошдан...

Аҳмад ака ўша — полвон сифатида танилиб юрган
ишхоналик пайтида, қорачадан келган, кўримсизгина бир қиз
ушнинг уйи олдидан ҳар куни икки марта — эрталаб ҳамда
печкурун ўтиб турадиган бўлиб қолди. У қизни беихтиёр
қувата бошлади: оёқ олиши ёмон эмас, юриш-туриши,
ҳанси тутини бинойи. Аҳмад полвон сураб-суриштириб
аниқлади: иеми Зухра, тикувчилик фабрикасида ишлар
экан.

Бир куни дабдурустдан қизнинг йўлини тўсди.

— Ўзр. Сиз билан икки оғиз гаплашмоқчи эдим,— деди
у. — Ўзоқдан келсам, сизни анчадан буён кўз остига олган-
ман. Яқиндан келадиган бўлсам, сизга уйланмоқчиман.

— Сиз? Билмадим... — қизариб, нафасини ичга ютга-
нидан, зўрга ичирлади Зухра. Сўнг овози титраб кетди: —
Мен чиройли бўлмасам...

— Менга ёқдингиз, демак, чиройли экансиз-да! — деди
Аҳмад полвон. — Қолаверса, мен сизнинг ҳуснингизга пон
богириб еримдим! Ҳуси тўйда керак, ақл кунда... Ҳўш,
ишми қилдик?

— Уйдагилар... — Бир оғиз сўз айтди Зухра ва югур-
ганича кетиб қолди.

Аҳмад полвон эртаси куни совчи юборди. Кейин, айрим-
лардек узоқ ўйланиб-эзмаланиб юрмай, ҳаш-паш дегунча,
Зухрага уйланди-қўйди.

Бахтли ҳаёт кечира бошлашди. Уларнинг бутун умри
дахзама-дахза бахтга тўлғин, ўзлари орзу қилганларидан
ҳам икки ҳисса кўпроқ бахтиёр бўлишлари ҳеч гап эмас
эди, аммо...

Аммо хонадон ҳаётида қулфат, нохушлик дейишга тил
бормайдигу, қизиқ бир ҳол рўй бера бошлади.

Зухра беш йил ичида Аҳмад полвонга учта қиз туғиб
берди.

Биринчи галдан ўғил кутган Аҳмад полвон ортиқ тишини
тишга босиб туролмаслигини ҳис этди.

Ўйлангандан кейин сенсиралга ўтган эди, хотинига
у бундай бамаъни гап қилди:

— Ҳар бир ишнинг эви бор... Энди қизни тўхтат, хотини.
Бир уйга учта қиз етиб ортади. Яна кўнайтираверсанг,
хафатаниб қоламиз...

Аҳмад полвон ана шундай жиддий «огоҳ» лантирганига
карамай, кейинги беш йилда Зухра яна учта қиз туғди.

Ҳар қизи туғилганида Аҳмад полвоннинг қанча умиди

барбод бўлганинию қанчалар изтиробга тушганини ўзингиз англайверасиз! У, хотини туғишига яқин қолганда, ҳар гал тиз чўкканча ёлворарди:

— Шу сафар ўғил туғсанг, сенга жонимни бераман, хотинжон. Туғруқхонадан қўлида кўтариб келмаган номард! Унақа қилаверсанг, охири ёмон бўлади...

Зухра, эри олдида айбдор кишидек, секин ютиниб қўярди:

— Хўн, албатта... қарайлик-чи,— деб беозор ичтирларди. Лекин негадир яна қиз туғаверарди.

Аҳмад полвон хотинини кўрсатмаган дўхтир, профессор қолмади. Бироқ дўхтирлар, аҳволни билибми, билмайми, парво қилманг, кейин ҳаммаси яхши бўлади, деб илжайишарди. Кейин эса...

Олтинчи қиз туғилгач, Аҳмад полвоннинг сабр косаси тўлди.

Ўзинг ўзига ўхшаган анча-мунча ёр-биродарлари бор эди. Булар унга келгусида ўрнини босадиган азамат бир ўғил кераклигини яхши билишарди. Оғайшлар тўпланиб турадиган давраларда ҳар хил гап чиқа бошлади.

— Сен бунча эзилаверма,— деб ҳазиллашди бир куни Фозил деган дўсти Аҳмад полвонга.— Мен сенга айтсам, аслида, қиз боладан яхшиси йўқ. Уйда дастёр. Ҳаётнинг гули... Умринг узоқ бўлсин-ку, аммо, масалан, ўлганингда ҳам қиз боладан обрў кўпроқ келади. Қизларнинг ҳовлида бундай, отажон, деб бир овоз солишса, бутун Бухоро эшитиб, титраб кетади...

Ҳалим деган дўсти эса очик гап қилди:

— Эски замонларда қиз туғаверган хотинни эри ҳайдаган пайтлар ҳам бўлган, мен эшитганман. Сен хотинингни ҳайдамайсан, албатта. Лекин бошқа бирон йўлини қидирса...

Тўғрисишни айтаверадиган бўлсак, Аҳмад полвон сабр косаси тўлган кунларда бир гал хотинидан ажралиш хаёлига ҳам борди. У рўйирост бунга амалга ошириш пайига тушгани йўқ, аммо, мабодо ўғил туғса, уйланаман, деб бошқа «хоним» билан ўлфатланишга ҳаракат қилган пайти бўлди... Шаҳар марказидаги кутубхонага боши айланиб кирган эди, қараса чиройли бир жувон ўтирибди. Ундан-бундан гаплашишди. Эри ўлган, бева экан. Эрсиз қолганидан буён фарзанд кўрмаганидан доғда юрган экан! Аҳмад полвон ўша кунни уни кинога олиб борди. Кейин, яна бир учрашди. Аҳмад полвон бу гал жувонни уйингача кузатди. Ўйга кираверса ҳам бўларди, жувоннинг суюқоёқлигидан

аммо, йўқ, муносабатнинг ўзи шунга бориб қолган эди. аммо Аҳмад полвон бу йўлдан қайтди. Бунга жўи парса сабаб бўлди: кўча муюлинида гурунлашиб турганларида у, жувоннинг шамоллагандек сал бўғиқ товушда гапирини унга ёкмаслигини хис этди. Бундан ҳам баттари, китоб ўқигани, эшитгани: «Устингизга тахта қўйиб, машина юртса, кўтара оласизми?» қабилдаги бачкана саволлари қандайдир гапига тегди. Шундан сўнг, кутубхонадан икки чақирим наридан ўтадиган бўлди...

Аҳмад полвон қапчалик изтироб чекиб асабийлашмасин, хотинини яхши кўрар, хотини ҳам ўзини яхши кўришини билар эди. Айрим тушлар икковлари ҳам уйқулари қочиб, узоқ-узоқ гаплашишарди.

— Мен йўлингдан чиққанымда, қўрққанмидинг, хотин? — деб сўрарди Аҳмад полвон, биринчи юзланган пайтларини эслаб.

— Йўқ, мен сизни таширдим, — деб пичирларди Зухра. — Орқамдан юрганингизда, уялганимдан қокитиб, йиқитиб кетмай, деб қўрқардим. Ундан ташқари, сиз менга кеч қачон уйланмайсиз, деб қўрқиб юрардим... Гаплашган кунингиз, шу ростмика, деб кечаси бўйи кирик қоққанам йўқ.

— Сен мени олдин ҳам кўрган экансан-да?

— Икки-уч кўрганман. Тўйдами, бировларнинг уйида... У очиккўнгил билан қўшиб қўярди: — Сизни ёқтирган қизлар кўп эди. Мен хайрон қолганман...

Аҳмад полвон ҳаммадан ҳам Зухранинг оқилалиги, айираклигини қадрларди. Бир кун уларнинг уйида ғалати юкса рўй берган эди: Аҳмад полвон тўрт-бешта оғайинларини уйга чақириб, дастурхон ёзганди. Таомдан кейин, у чой кўтариб кирган Зухрага юзлашиб:

— Олдин тарвузин олиб кел. Томда тарвуз бор, — деган эди.

Ховли бурчагида томга тиркаб қўйилган хонаки, одмигина парвон бўлиб, деразадан кўриниб турарди.

— Ҳа, албатта... ҳозир, — деди секин Зухра.

У парвондан томга кўтарилиб, қўлида каттакон тарвуз билан сал қийналиброқ тушди.

Аммо Аҳмад полвон тарвузин думалатиб кўрди-ю, хотинига буришиб қаради:

— Бонқасини келтир!

— Ҳозир... — пичирлади Зухра. У тарвуз билан томга тирманиб чиқиб, тирманиб қайтиб тушгандек бўлди.

Аҳмад полвон тарвузин кафтлари билан сиқиб, эшитиб кўрди:

— Бу тарвузинг ҳам менга ёкмади, хотин. Яхшироқ қара!..

— Хўн бўлади...— деди Зухра ва яна нарвон томонга қараб кетди.

— Ана бу бошқа гап!— деди Аҳмад полвон хотини бу гап тарвуз кўтариб келгач.

Зухра хонадан чиқиб кетганидан сўнг, воқеани кузатиб турган даврадаги йигитлар Аҳмад полвонга ўйчан тикилишди.

— Лекин хотиндан ёлчигансан-да, жура,— деди эски оғайниларидан Ҳалим унга.— Бизнинг хотинлар бир мартадан кейин, ёкмаса, ўзингиз олиб келинг, дейди. Уч марта томга чиқартирсанг ҳам миқ этмайди-е! Бундай қошнинг чимириб, қовоғини ҳам солмайди, афти ангори бирдай...

Аҳмад полвон бошқаларининг ҳам ҳайратомуз гапларини жим эшитиб, бехосдан тиззасига шаппатилаб урганча, роҳатланиб кулди:

— Сирини очаверсаммикан, йўқми?— деди сўнг.

— Қанақа сир?— деб ҳайрон бўлишди йигитлар.

— Сенларининг айтганларинг ҳаммаси тўғри. Хотин гап қайтаришга ўрганмаган, ҳурмат, одобни сақлайди,— деди Аҳмад полвон.— Лекин ҳозир бу ерда ундан ҳам муҳимроқ бир нарса бор, сезмадинглар... Ҳамма бало шундаки, томда тарвузининг ўзи битта эди!— Зухра, эрим дўстлари орасида хижолат чекиб, ўсал бўлмасин, деб биргина тарвузни томга кўтариб чиқиб, кўтариб тушаверганди...

Аҳмад полвон анойи эмас, тушунарди: бизнинг бугунги ҳаётимизда меҳру оқибат кўпириб-тошиб, баъзан ачиб-айиниб ётганига қарамай, бунақа хотинни қаердан топасан! Бир омад келгандан кейин, юз буриш понкўрликка ўхшайди...

У ҳар гап қиз туғилганига минг бўғилса-да, қизчаларини ҳам ўзинча яхши кўрарди. Ишдан қайтганида, улар барабар елкаларига тирмашишганида, бутун чарчоғи тарқаб кетарди. Қизчалари бири биридан чиройли. Аҳмад полвоннинг назарида, уларнинг ҳар бири бир олам севинч эди. Худди гулдек топтаб, ташлаб кетиши мумкинлигини шунчаки тасаввур қилса бас, жигари эзилиб, кўзларида беихтиёр ёш гилтиллаб қоларди...

Аммо Аҳмад полвонга биттагина ўғил керак эди. Бу истак вужуд-вужудидан жой олган эди.

Зухра эса кейинги тўрт йилда яна иккита қиз туғди.

Охирги қиз туғилганида, Аҳмад полвон хотини бу ишларга айбдор эмаслигини билса ҳамки, унга:

— Э, сен ўзи қиз учун яралган экансан, хотин, мени

хонавайрон қилдинг!— деб захриши тўкканча, бир ҳафта яттиланган кўйда кўксини зах ерга бериб ётди.

Зухра Аҳмад полвонини хонавайрон қилмаган тақдирда ҳам, энди унинг барча умидлари барбод бўлгани муқаррар эди. У ўз умрини тиккан мақсадга эришолмай чарчаган, энди нима қилишини билмас эди...

Нисон бундай пайтда тоғдай чўкади. Аҳмад полвон ҳам кундан-кунга чўка бошлади...

У ҳамон тўй-ҳашамларга бориб хизмат қилар, кураш ҳам тунаверар эди. Лекин унда олдингидек ҳафсала ҳам, кайфият ҳам йўқ эди. Тўйларда келин қанақа, куёв қанақа — унга бари бир; кўчада кимдир аравасига қўшилиб лойга ботиб ётаверсин, кўпинча қарагиси келмас эди. Курашда баъзан йиқилиб ҳам қолаверар, сишиқ жилмайиб, четга ўтиб тураверарди.

У энди Аҳмад акага айланган эди!

Буниси майли. Бир хонадонда ўн кишидан тўққизтаси аёл зотидан бўлса, секин-аста уларнинг феъл-аъвориши юқтирмаслик, уларга ўхшаб кетмаслик душвор экан. Аҳмад ака биров билан гаплашиб ўтириб, беҳосдан: сизни қарапгу ёки ўлиб кетинг-э, деб юборганини ўзи пайқаб қолиб, хижолат чекарди. У хотинига қозон-товоқ масаласида куюниб маслаҳат берар, жаҳли чиққанида, қизчаларини башарап қурсин, деб қойирди... Уйи тўла қиз, деб ёру дўстлари унинг уйидан бирин-бирини оёқ тортишган эди...

Аҳмад аканинг қизлари ҳам ўсиб-улғайиб қолишди. Каттасини тўй-томоша билан узатиб ҳам юборди.

Аҳмад ака кўпроқ вақтини заводда ўтказар, ўлдирса — иш ўлдирсин, деб қаттиқ ишлар, шу билан ўз-ўзини овутар эди.

Нахта тозаланаётган цехга бир кун унинг ёшликдан қадрдон дўсти Фозил негадир ҳовлиқиб кириб келди.

— Идорадан келяман... Суюнчини чўз!— деди у цех шовқинини босиш учун бақириб.

— Нега? Қанақа суюнчи?— деб сўради Аҳмад ака паршонланиб.

— Катта қизинг Малоҳатмиди?

— Малоҳат...

— Янгам ҳозир телефон қилибдилар... Кўзи ёрибди. Эгизак. Иккита беш килодан... ўғил!..

Аҳмад ака бир лаҳза қотиб қолди. Кейин, қўлидаги соатини шарт ечиб, Фозилга узатди:

— Мана, жўра! Қолганига қарздорман...

У цехдан чиқа солиб, уйига қараб ўқдай учди.

Ҳовлида тўкнаш келган Зухрани дабдурустан қўлларини да кўтариб, бағрига олди:

— Мен сени билмаган эканман, хотин. Улай агар, билмаган эканман! Сен бир ҳалқа кейинини мўлжаллаб иш қилган экансан... Шунда қизларим бор, демайсанми?!
У энди яна Аҳмад полвон эди.

МАСТОН БУВА

Мастон буванинг касби гулчилик.

Аммо бўш пайтларида ашула ҳам айғиб туради. Ёши етмишдан ўтганига қарамай, ҳали овози бор.

Олдинги ҳафта Мастон бувани тўрт-бешта ёшлар қўярда-қўймай тоққа олиб чиқинди. Ашула эшитиш учун Мастон бува ўзи билган ҳамма ашулаларини айтди. Кейин, қишлоққа қайтинди.

Қишлоққа қайтишда ёшлар бир-бирларини қуваланиб, пастга югуриб тушинди. Мастон бува ҳам ёшларга эрганиб югурди. У тогдан ёмон тушмади-ку, лекин қишлоқ кўчасига кириб келганида, бирдан бели қире этди. Устига-устак, биров омбир билан икки тиззасини чимдиб олгандек бўлди.

Мастон бува уч-тўрт кун ётиб қолди. У, ёшлик йилларидаги сайру саёҳатларини эсламаганда, яқин орада тоққа чиққан ҳам, тогдан бундай югуриб тушган ҳам эмас эди. Умр сездирмай ўтиб кетибди-да, деб ўйлади. Қилган ишн энди ўзига эриш туюлди...

Ёшлардан Сафарали деган йигитнинг уйига шу кунлар шаҳардан Мирзаабдулла деган дўсти меҳмонга келди. Меҳмон баҳона, оғайнилар бир дастурхон атрофига йиғилишди. Ана шунда, Сафарали беҳосдан ҳаяжонланиб, яна тоққа бир чиқмаймизми, деди.

— Мастон бувани олиб!..— дарҳол гапини олиб кетишди бошқа ёшлар.

— Мастон буваси ким?— деб қизиқсиниб сўради Мирзаабдулла.

— Ўзимизни чоллардан. Халқ қўшиқларини айтади, кифтини келтириб.— Дўстига тушунтирди Сафарали.

Ёшлар эртаси кунн шаҳардан тоққа чиқадиغان бўлишди...

Мастон бува мактаб ҳовлисида гул қайчилаётган эди, қуюндай бостириб келишди.

— Кетдик, бува!— деди Сафарали дангал, чолга ортиқча мулозамат кўрсатишга азбаройи ўрганмаганидан.

Мастон бува ёшларини кўрганидаёқ, буларга олдинги тоғ сайри ёқиб қолганини-ю, ҳозир мақсадлари нима

жаътигини кўнглида сезган эди. Аммо у Сафаралига анграйиб — ажаблангандек қаради.

— Қаёққа?— деб сўради қария, шунинг баробарида, ёшларга қандай жавоб қилишни ўйлаётиб.

— Тоққа, бува. Ўзингизни гўлликка солманг!— деди Сафарали сал иижиган, ўнкаланган оҳангда. У Мирзаабдуллага имо қилди. — Бу киши меҳмонимиз. Ашулангизни бир эшитсин...

Мастон бува, аслида, ёшларга рўйирост, сенлар билан илди бормайман, боролмайман ҳам, мазам йўқ, дейишни керак эди. Ёки, унинг ўрнида бошқа бир олифтароқ одам бўлганида, жиддий туриб, масалан, тонларининг теринглар, кексайганда менга бало борми сенларга қўшилиб, дерди. Аммо Мастон бува ўйга чўмиб, алланечук довдираб қолди. Аввало, меҳмоннинг олдида ўзиникиларни изза қилиш одамгарчиликка тўғри келмайди... Буниси ҳам майли. Гап кўпроқ унинг ўзида... У бир томондан оёқ тирашга ури-наётгани-ю, иккинчи томондан, тоғ деган сўзни эшитиб, кўнглига бир илиқлик қўйилаётганини ҳис этди, тоғлар уни бағрига чорлаётгандек эди. Назарида, ҳозир ёшларга қўшилиб яна бормаса, ёшлар эмас, ўзи инманидир йўқотадигандек!

Мастон бува кулимсираб, ҳазиллашди:

— Ҳали ашулаям айттирасизларми, борсам? Вой-вой, қариганда-я!..

Сафарали қариянинг кўнглини билмайди. Унга қария негадир шунчаки иккиланаётгандек туюлди.

У Мастон буванинг елкасига қўл ташлаб, чолни беозор қучди. Сафаралининг қўл тафти Мастон бувага қишлоқда одамларнинг ўзига нисбатан меҳри бошқачалигини эслатгандек бўлди...

Улар худди ерда ўралиб ётган арқонга ўхшаган йўлдан тоққа қараб кетишди.

Олдинда бир-биридан юксак чўққилар. Қор. Қорга аллақандай қоришиб ёнаётган қуёш. Орқада, пастда дарё. У ҳам қуёш нурларида жилваланиб, симобдек ялтирамоқда.

Анча йўл юришди: ёшлар сакраб-ўйноқлаб, Мастон бува икки қўли орқасида, уларга эргашиб...

Аввалига секин кўтарилиб боришди. Сўнг, тик сўқмоқдан сираниб-чирмашиб ўрлашди.

Тоғ сайрига одатланмаган Мирзаабдулла тез орада толиқиб, Мастон бувага ҳамроҳ бўлиб олди. У, қария тўғрисида биринчи эшитганида, китобларда расми босилган бахшиларни кўз олдига келтирган эди. Қария билан юзлашган пайтда тасавуридаги одамга хос бирон-бир белги

тополмагани учундир. хафсаласи бир бўлгандек ҳолатни туйди. Мастон бува, умуман, шу қадар оддий эдики, бу чол, тоққа чиқиб, нима ҳунар кўрсатар экан, деган гап беихтиёр Мирзаабдулланинг хаёлидан ўтди... У, сўқмоқда тер босганча кетаётиб, яна қарияга раам солди: илк қарашда чол каттакон хумга ўхшайди — оёқлари нигичка, елкалари нозик, лекин гавдаси йўғондан келган... Мирзаабдулла яна, бу чол тоққа чиқиб нима ҳунар кўрсатар экан, деб ўйлади. Кейин, эриниш, ланжликка одатланган кўпчилик шаҳарликлар сингари, чолни қишлоқнинг ўзида эшитсак ҳам бўлаверарди, шарт эмасди бунча оворагарчилик, деган хаёлга бордин. У алланечук лоқайдлик билан қарияни саволга тутди:

— Доим гулчилик қиласизми, бува?

Мастон бува, суҳбатни қўмсаб турган эканми, унинг саволига анча батафсил жавоб қайтарди:

— Ҳа, доим. Аввалдан... Ёшликда уч-тўрт йил боғбонлик қилдим. Кран билан тоғларга сув чиқардим. Кейин, уруш бошланди. Кетдим. Қримда, Украинада бўлдим. Бир марта яраландим. Кубанда даволандим. Яна кетдим. Иккинчи ўқ тегди. Тифлисида ётдим, госпиталда. Ўша ердан уйга қайтдим, қирқ тўртинчи йил.

— Ойлангиз бормиди уруш бошланганида? — деб сўради Мирзаабдулла бу гал бетоқатлик билан.

Мастон бува, гўёки ўшанда ойласи бўлган-бўлмаганини эслаётган одамдек, чуқур ўйга толди:

— Ҳа, Муҳаррамхон... — деди инҳоят. — Лекин, мен кетганда, онам ўлган эканлар... Тўртта болаям ўлган экан, келсам... Хотини бир ўзи уйда йиғлаб ўтирибди... Яна фарзанд кўрдик. Неваралар... — Кейин қария Мирзаабдулла кутмаган қизиқ бир гапни айтди. — Гулни, дарахтларни яхши кўраман...

Мирзаабдулла зиёли йиғит. У шаҳардаги обрўли бир муассасада хизмат қилар, ўзини одамлар орасида юрган, одам танийдиган киши деб билар эди. Ҳозир Мастон бувага нисбатан муносабатини ўйлаб, уни уятга ўхшаган бир ҳиссиёт чулғади. Унинг кўз ўнгисида шу асно қариянинг кийфаси ўзгаргандек бўлди... Йўқ, чол хумга ўхшамайди. Бу чол ўзи бир дарахт. Шоҳлари чопиб ташланган тапа... Мирзаабдулла шу аснода яна Мастон бувани ўзи таниган аллакимгадир ўхшатди. Аммо кимга?! Бу савол Мирзаабдулланинг хаёлида жавобсиз қолди.

Улар ёнбағирдаги бир арчазорга етиб тўхташди. Йиғитлар елкаларидаги юқларини тушириб, жой ҳозирлашди. Ўт ёқиб, овқат пиширишди. Шошмасдан, худди эзгу бир

назифани бажараётган кишилардек, кўтаришқи кайфиятда тамадди қилинди. Ниҳоят, Сафарали Мاستон бувага юзланди:

— Сизни эшитайлик деб келганмиз, бува. Бошламай-сизми?

Мастон бува ашула айтишдан олдин доимо ҳазиллашиб, нимадир дерди. У кулимсираб, бу гал ҳам ўшандай ҳазилланди:

— Шунақа қўймайсизлар-да одамни, тоққа чиқариб. Вой-вой, уялиб кетяман!..

Йўқ, Мастон бува поз-фироқни билмайди. Бу фақат бир ҳазил. У, шунинг баробарида, қўлини ерга тираб, ўридан турди. Четда ётган бир харсанг устига ўтириб, қўлида ликонча, ўзи билган ашулаларни бйр бошдан айтишга тушди:

Кичкинамда шўх эдим,
Муллога сотдилар мани.
Мулласи даҳшат экан,
Зиндонга отдилар мани...

Мастон бува бировга дардини ёраётган йўсида куй-лашдан секин-аста бутун юрак-бағри билан баралла куйлашга ўтди:

Фаранг румол бошимда,
Ғижимлари қошимда.
Ўн тўрт яшар ёшимда —
Не балолар бошимда...

Унинг овози дам сайини очилиб, энди баравж нуқтага кўтарилаётгандек бўлди:

Дарё-дарё ёкалаб-ёкалаб,
сой келади, ёр-ёр,
Паранжига ўралашиб,
ким келади, ёр-ёр?
Паранжига ўралгани
ким кўради, ёр-ёр?
Сенинг ойдни жамолинига
ким тўяди, ёр-ёр?..

Э, гап бу ёқда экан!.. Мастон буванинг тиниқ овози янграб, қояларга урилар ва теваракдаги бутун тоғлар

уига акс садо берар эди. Қишга борлиқ қуйлаётгандек туюлар, халқ яратган бу шеърини хикояни тинглаб, киши беихтиёр ҳаёт ва абадият тўғрисида ўйга чўмарди.

Дунёда бу улугвор тоғлар оғушидаги бенобиликка тенг келадиган ашулабон гўша йўқ.

Дунёда ўзи яратган қўшиқни ўзи қуйлаган халқдан ўтадиган хонада ҳам бўлмаса керак.

Мирзаабдулла қариянинг бунчадир санъаткорлигини ҳам, халқ қўшиқларининг тоғда бундай соҳрли бир йўсида янграшини ҳам ҳаёлига келтирмаган эди. У юрагида энди Мастон бувага нисбатанми, ўзини тоққа бошлаб чиққан дўстларига нисбатанми, теварак атрофдаги — қачонлардир мангуликка айланиб қолган — тоғларга нисбатанми, оташин бир миннатдорлик туйғуларини ҳис этди.

Мастон бува эса тобора жўшиб-ёниб қуйламоқда эди:

Чилла чиқса,
Портуялар маст бўлур,
Маст бўлур...
Ёш ўлса,
Тоғу тошлар маст бўлур,
Маст бўлур...

Бу, афтидан, бояги хикоянинг охири, ниҳояси эди. Мирзаабдулланинг кўзларига ёш қалқди.

Уига қаршисида ўтирган қария, ўзи ёниб қуйлаётган қўшиқлар сингари, тарих қаъридан чиқиб келгандек ва ана-мана дегунча, қайтиб тарих қаърига сингиб кетадигандек бўлиб туюлди.

Халқ қўшиқчилари тингловчини бир ўйлатиб, бир ўйнатди.

Мастон бува ҳам шундай қилди: маҳзун ашуладан кейин шўх, ўйноқ оҳангда қуйлай бошлади:

Дарвозаниг шакир-шакир,
Ёр келса мани чакир...

Қария Мирзаабдуллага қаради. Меҳмоннинг ҳамон чуқур ўйга толиб ўтирганини пайқаб, уига қошини учириб қўйди:

Ой чиқса, ойдин бўлур,
Кун чиқса, кундуз бўлур.
Шу укамнинг қоллари-ё,
Телнакка кундуз бўлур...

Кейин, қария яна бирдан полая афгон чека кетди:

Кечкурун сувга чиқиб, сухсури кўрган бормикин...

Мастон бува бир айтишида тўхтамай— то қуёш қайт гунича айтаверди. Ниҳоят, кулимсираб, эй, бўлди-е, деб уришдан турди.

Хамроҳлар юкларини йиғиштиришиб, тоғдан силжишди.

Мирзаабдулла шу кунги бутун таассуротини жамла моқчидек, ўй суриб борарди.

— Ажойиб чол экан бува,— деди у, ниҳоят, ёнида келаётган Сафаралига.

Сафарали, биз буни биламиз, дегандек жилмайиб, бош иргадди.

Мирзаабдулла чол тўғрисида яна, чинакам инсон атрофидаги одамларга дардкашлик қилмоқ учун кула, куйласа керак дунёда, шунақа инсон экан бува, деб ўйлади. Қариянинг гулга, дарахтга шайдолиги ҳам энди унинг наздида янгича маъно касб этгандек бўлди...

Йиғитлар тоғда бир оз йўл босишгач, шўхлик-шумлик-лари тутиб, одатдагидек, бир-бирларини қувалашганча, пастга қараб югура бошлашди.

Улар Мирзаабдуллани ҳам қўймай, сафга қўшиб кетишди.

Тоғда Мастон бува бир ўзи қолди.

У ёшлар изидан андак тикилиб турди. Кейин, олдинги гал панд еганини унутиб, қирчиллама йиғитдек ўйноқлаганча, у ҳам тоғдан пастга қараб югурди.

ҚАҲРАТОН

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йилнинг қаҳратони дунёга қаҳатчилик билан бирга келди. Совуқ қаҳратон шамоли аччиқ тили билан еру кўкни ялагани сингари, совуқ қаҳатчилик шамоли аччиқ тили билан одамлар дастурхонини, рўзғори, ҳаёти, юрагини бешафқат ялаб ўтди.

Қиш ўртасида бир ҳафта бўлиниб-бўлиниб ёмғир ёғди. Кейин, якшанба кунининг субҳи саҳаридан шони ғарибонигача лайлакқор ёғиб чиқди.

Қор ёққан кун Бухоро кўчаларида сарсон-саргардон одамлар пардай тўзгидилар. Айрим кишилар ярим халта ўрикка, икки бўлак қушжарага бўй етиб қолган фарзанд айира бошладилар. Ҳар қандай оби ҳавода ҳам бировнинг эшигини қоқиб, нон тилашини ор билмаган гадолар бу кун тақдирга тамом тан бердилар, муюлишларда биқилиб ўтир-

ганча, мудҳини ўлимнинг кўлига тикилдилар. Чекка тоғлардан Бухорога нон, юмш ва бахт қидириб келган тожик дўллари — бошига увада ўраган жулдур чопонли матчойилар ҳар ер-ҳар ерда гуж-гуж бўлиб олганларича, қушишиб ўтиравердилар. Аммо, кўчаларда дуо ўқиб санқиган гадо-ларининг дардлари билан ҳам, ҳовлиларга бориб ўтин ёриб беришни касб қилган матчойиларининг ҳасратлари билан ҳам бундай кунда кимнинг иши бор, дейсиз?!

* * *

Чормишор гузари этагидаги якка-ёлғиз, пачоққина кулба томини қалин қор босгани учун ошпоқ гирдобда чирпирак бўлиб, шу гирдоб тубига чўкиб кетаётганга ўхшарди. Бу кулбанинг ичи зах, қоронғи. Кулба ўртасида настак сандал қаққайган, қуйида япаски ўчоқ, битта мўнди челақ, битта тешик тоғора бор эди. Тўрда бир жуфт куроқ кўрпа, ундан бериқроқда хивичдан тўқилган каттақон, чуқур сават. Отасининг эски чопонига ўралган икки яшар Дилшод шу сават ичида чайқалиб турарди. Дилшод дарча олдида ёй бўлиб ўтирган онасидаи кўз узмас, гўё онасининг сўзларига кулоқ соларди.


— Отанг ҳаммол эди, бозорда қоқ белидан ароба босиб кетган. Сан муш билмайсан, ақлинг олмайди, болам.

Гўдакининг онаси Мунавварбиби дарчадан тўкилаётган хирагина ёруғда эришнинг бўз кўйлагидан болабоп кўйлакча тикарди. У чўкиб, бақрайиб қолган кўзларини қўлидаги ишга қадаб, буришиб-бужмайиб ўтирар, ўғилчасига ғоят жиддий оҳангда сўз қотарди. Дилшод ҳасратда ўтган чоллардек ҳорғин ва маъюсгина боқар, онаси томонга чўзилган қўллари совуқдан қўқариб, юзи сингари қонсиз ва карахт бўлиб қолган эди. Ҳали унинг тили ҳам чиқмаган. Атиги икки сўзнингина билар, онасини «нана» деб чақирар ва овқат тилаб ҳолсизгина «мама» деб қўярди.

* * *

Гўдакининг отаси — Мажид ҳаммол чинданаи қоқ белидан арава босиб, тўсатдан ўлиб қолган эди.

Мунавварбиби ўрта бўйли, қотмагина, иигичка мўйловли эрини кўз очиб чимилдиқда кўрган. Ҳеч қачон унутмайдн: эри тўй кечаси унинг қўлларини маҳкам қисган, қизиб кетган юзига, кўзларига босган эди. Қўлларини кўз ёшлари



ювар экан, келиннинг қулоқларига шу сўзлар қўрғошиндай қуюлганди:

— Мунаввар! Мен қандай хурсандман, биласанми, а?! Қандай хурсандман-а! Қози бобога эсимни ташигандан бери қилган меҳнатларим эвазига сани тондим, Мунаввар!.. Энди икков бирга хизматда бўламиз, икковга қандай яхши бўлади, биласанми, а?!

Йўқ! Уларга ҳечам яхши бўлмади. Бир йилдан кейин Камолиддин қози — ҳужайинлари «ришва», яъни «пора» олишда айбланиб, катта Бухоро туманидан кичик Вобкенг туманига қози қилиб юборилди. У кетар жафосида Мажидни ҳайдади. Важ учун: «Бир йили қўлингда «Бухорои шариф» деган ишаръий газет қўрганман», деди. Мажид ҳақини талаб қилди. «Сан муттаҳам, нахта завудга бориб турасан, у ер тўполончилар жойи эканини билмайманми?! Аллакай, ҳайдай, деб юргандим, энди мавриди келди. Ўзи сани касрингга Бухородан кетяпман!..» деб сўкди қози. Мажид ундан бир чақа ҳам ололмади. «Сан бошқа жойдан пон топарсан, ўғлим,— деди қози ойим Мажидга эридан порози-ю, бунга эса ғамхўр одамдек.— Мунаввар хизматимда юраберсин, ман уни ҳайдамайман».

— Неча йиллик ҳақимни ютиб кетди-я! Қози бўлмай ўл!..— дея ғазабидан бўғилиб қолаверди Мажид.

У бир неча кун уйда юргач, оқибат, ҳаммолликка киришди. Боилар, пулдорлар бозордан харид қилган нарсаларни уларнинг уйларига ташиб берарди. Бир жума кун бозорнинг тўс-тўполонини чиқарган маст от қўшиғлиқ арава унинг умрини кесди.

Мунавварбиби қўлида гўдаги билан қолди. Худди шуида қаҳатчилик деган қора кунлар бошланди...

— Сан билмайсан, болам,— деб сўзида давом этган Мунавварбиби, қўлидаги ишни қуриб қолган кўксига ташиб, гапшрадиган гапларини уйлаб олгач.— Ожиз одам: «Кучим кўн эди», деса, камбағал одам: «Кеча белим бақувват эди», деса бугун шайтон ҳам, раҳмон ҳам қўшимайди... Энди, болам, ҳолимиз хароб. Қўлимда қўшмакор йўқки, чўрилик қилиб кир-пир ювсаму чойчақа тўқам! Бошимизда отанг йўқки, эшикдан бир парча нон олиб кирса! Ичимда гап кўн сан билмайсан, болам...

— Дилшод қўлчаларини қимирлатиб...

Мунавварбиби кўз қири билан унга қараб олди-да, хўрсиниб қўйди. Бир оғз сувут саклагач, яна гапга тушди:

— Қара, осмон тешилди, болам. Сангалини ёқинга ўтти йўқ. Бозорда бир эшак ўтти, ўх-хў, қанча нул! Майли, совуқдайм ўтира берамиз, лекин оч ўтириб бўлмайди-да, болам. Ман-ку, баҳарнави, чидаб турибман, сан гўдакка қийин-да!.. Ўзинг биласан, олдинги кунни суиразидаги унциям яладик. Кеча, хайрият, новвой битта қўнган нон берди. Энди бугун, худо биледи, нима қиламиз, болам... Қўн-қўшнига чиқса, игнаниям қарзга бермайди.

Ўз гапидан Мунавварбибининг ўзи мунгайиб қолди. Тикаётган кўйлақчасини ёнига қўйди-да, совуқда увишиб, қалтираётган қўлларини бир-бирига оҳиста ишқади, чўндай панжаларини кириштириб, оғзига олиб борди-да, «кух-кух»лаб исита бошлади... Сўнг, бошини сал кўтариб, яхлаган ойнадан кўчага қаради: ошпоқ қор. Кўз қамашади. Қор бўралаганин-бўралаган. Шамол оч бўридай увиллайди. Кулба усқуналари қисирлаб туради, қулоқ солган сайини, ҳалиги оч бўри уни икки жағи орасига олиб, ўтмас тишлари билан гажинётгандай бўлиб туюлади.

— Нава!.. Мама!..— Энди ишганди Дилшод.

— Бир парчагина қотган нон бўлса, иккига бўлиб ивтиб ердик,— деди Мунавварбиби Дилшодга. У боласига кўз қирини ташлаганча қолди. Гўдак тебранар, сават сувдаги қайиқчадай чайқалар, ни билан танғилган чопон гўдакнинг елкасидан сирғалиб, белига тушган эди.

— Очсанки, қимирлайсан, болам. Ўзим ҳам очқаб кетдим,— деб аста ўриндан турди Мунавварбиби.— Яна новвойга бориш, албатта уят. Майли, бир жойдан сал умидим бор... Қози ойимнинг уйларига бораман! Мадорим қуриб, сан билан овора бўлиб, анчадан бери у ерга бормагандим. Бугун борсам бора қолай. У кишида, ўх-хў, отагининг қанча ҳақи қолган, ман қанча йил чўрилик қилганман. Нон сўрасам-ку, бермайдилар, шояд шунча меҳнатларимиз эвазига бир қанча ун берсалар. У кишидан сўрасак, уят ҳам бўлмайди, болам, ўз ҳақимизни сўраймиз... Кўчадан тўртта хас териб, дарров қозонни осамиз-да, болам. Майли, ман кетдим, фақат сан кўн қимирлама. Сават ағдарилса, ёмон бўлади, болам.

Мунавварбиби болани қайтадан чопонга яхшилаб ўради, паранжисини бошига тащлаб, зил-замбил кавушини оёғига илди. Эшик гижирлаб очилиб, тарсиллаб ёниди.

Мунавварбиби тиззасигача қорга ботиб гузарбошига — тепаликка интилди. Хирагина ёришган поввойхонанинг олдида нима учундир қадамини секилатиб, деразага қараб-қараб ўтди. Кейин яна одимини тезлатди. Қози ойимнинг муюлинидаги остонасига келиб тўхтади. Дарвоза ҳалқасидан тутиб, тақиллатмоқчи бўлган эди, дарвозанинг ўзи очилиб кетди. Мунавварбиби ўзини дадилликка олиб, ҳовлига тўғри кириб борди ва рўнарадаги ёруғ хонага етиб, эшикни тақиллатди.

Ичкаридан қози ойимнинг танини, тўнғиллаган овози эшитилди:

— Ки-ир...

Мунавварбиби эшикдан кириб, пойгакда тўхтади. Мажолсиз қўллари билан паранжисини кўтариб, юзини очди. Оч кўзларига биричи чалинган нарсаси, токчада тўққиз қилиб тахлаб қўйилган нон бўлди. Нондан кўзини зўрга узиб, қози ойимга яхшироқ кўриниши учун илжайди. Қози ойим оёғини сандалга суқиб, ўзини чироқ олдида бүкилиб ўтирар, беш-олти ёшлардаги малла қизалоқ унинг бошини боқарди.

— Ха-а... бу санми? — Бошини кўтариб қаради қози ойим. Унинг шийинқираган юзи ноҳуш тўмтайиб, катта, қора кўзлари тунд ва иижик тикилди. — Ҳовлида эркак йўқ деб, ҳаммаси саниллаб кираверади!

Қози ойим яна бошини эгди. Мунавварбиби эътиборсиз қолиб, пойгакда анча фурсат беҳол қаққайгач, ўзини тағин дадилликка олди:

— Бир кашпа ун сўраб келдим... ёки бир бурда нон бўлса... болам оч... беринг...

Қози ойим бу гал бошини ҳам кўтармай, тўнғиллади:

— Қози бобонг Вобкантдай кичкина туманда қози. Бухорои шарифда қозикалон эмаски, ғаллани қоплаб йиғса! Бу уйда ун нима қилади, нон нима қилади!.. Худодан сўра, ҳаммамизгайм худо берсин!..

Мунавварбиби бир бош боқаётган қизалоққа, бир токчадаги нонга қараб, узоқ серрайди. Охирги умиди ҳам пучга чиққанини билган Мунавварбибининг мадори қуриди, оёқлари тамом бўшашиб, боши айлана бошлади. Қўнгли озиб кетди. Бироқ унга қози ойим «одаммисан» деб, ортқ эътибор ҳам бермади.

Андак фурсатдан кейин Мунавварбиби тиззасигача қорга ботиб, гузар этагига қараб келарди. У ўнг қўлининг учини паранжи четидан чиқарган, пайкалари билан бир нимани ўлжа топган она бургутдай, сиқиб олган эди. Дир-дир қалтираб бораркан, хаёлан боласига гап маъқуларди:

— Қози ойим бир бурда нон бермадилар, болам. У кишинга, ўх-ҳў, қанча меҳнатларимиз синган. Қўлимни иситай деб баҳона қилиб, поввойхонага кирдим, болам. Поввой тандирни ёқмаган экан, ўтин қиммат, бугун ололмадим, дейди. Чикмоқчи бўлиб остонада турсам, ўзи чойқоғозга мана, бир каша ун ўраб берди. Ол, кишинга кирганинг ёлгон, болаиғ оч, биламан, дейди. Бечоранинг дардини бечора биларкан, болам.

Она шамол беланчагида беҳол тебраниб, қор кечиб борар, тобора тиззалари қаттиқроқ қалтирар, қўнгли дам сайини кўпроқ озиб, боши кўпроқ айланар эди. Назарида, уч-тўрт қадамлик гузар кўчаси шу тобда узайиб қолгандай, оёғи эса олдинга эмас, орқага тортаётгандай туюларди.

Матаққат билан олдинга босаверди. Оқибат, қуюқ қоронғилик бағрида гузар этагидаги якка-ёлғиз, пачоққина қулбанинг қаққайган қора қўлкаси ҳам кўришиб қолди. Бироқ... ажабо! Қулбанинг қўлкаси кўринганида, Мунавварбиби ўзининг нечундир йўлда кетмаётганини, балки қор устида бемалол ўтирганини сизди. Бирон нимага қоқилдим, зўравон шамол йиқиб қўйдими ё очлик, совуқдан бутунлай қарахт бўлиб, чўкиб қолдим, буни билмас эди. Юзини изгирин беаёв чимчиларди. У қор устида ўтирганча, паранжига тузукроқ ўранай деб, бошини чангаллади. Чангаллади-ю, ногоҳ... бошида паранжисин йўқлигини пайқадди. Бундан ҳам даҳшатлироғи — бояги бир сиқим ўлкасини йўқотган эди она бургут!

Унинг бўш қўллари ҳавода ўйнаб, кўзлари алаиғ-жалаиғ бўлди ва ўзидан беш-олти қадам нарида шамол айлангириб ўйнаётган чойқоғозни кўрди.

Мунавварбиби қор устига ташланиб, қоғозга интилди, қўли етмади. Жон талвасасида нарироққа сурилди ва қоғозга шахт билан чангал урди. Аммо у чангаллаган қоғоз... бўм-бўш эди.

Опаси чиқиб кетгач, Дилшод қаттиқроқ ингранди:

— Нана!.. Мама!..

Уйда ҳеч ким йўқ. Унга бирон кўз қарамади, унга бирон сўз айтилмади. Дилшод саватда қаттиқроқ тебраниб, уни қайиқчадай қаттиқроқ чайқата бошлади.

Уйга қоронғилик бостириб кирди. Қоронғилик, увиллаётган шамол товуши, ҳеч зор йўқлиги Дилшоднинг гўдак юрагига ваҳм ва қўрқув солди.

— Нана!..— янада қаттиқроқ ингранди у ва иккинчи сўз ўрнида бу гал тағин биринчисини тақрорлади:— Нана!..

Унинг «нана»си ҳадеганда кўринмади. Ваҳм ва қўрқув бостириб келаверди. Бу балодан қандай қилиб қутулишни билмай, қичқира бошлади. Ўз товушидан ўзи баттар қўриқиб кетди. Қаергадир беркингиси келди. Беркиннай деб сават теваракларига бошчасини суйкади ва ...каттакон саватнинг бир бурчига биқиниб олди. Йўқ, келаётган балодан қутулолмади гўдак. Ўридан туриб, саватдан тушгиси, қоронғиликдан, шамол товуши ва яккаликдан қаергадир қочгиси келди. Титраб-қақшаб, қўлчалари билан саватга ёпишиб турмоқчи эди, аллақачон музлаб қолган қўлчалари ортиқ қимирламади...

Мунавварбиби қор устида бемалол ўтириб, узок тимирекчиланди. У қордан этагини тўлдирар ва яна тўкиб ташлар эди. Бора-бора нима учун шундай қилаётганига ўзи ҳам тушунолмади қолди. Киприклари тош осилгандай вазмин бўлиб кетди. Бу орада аллақайси икки хонадондан икки хўрозининг басма-бас қичқиргани кулоққа чалинди. Қор тиниб, осмон очилди. Баланд бир томда ой кўринди.

Мунавварбибига ерни қоплаб ётган оппоқ қорнинг ҳаммаси уни бўлиб туюлаверди. Фақат этагига қайси жойдан солиб олишни билмаётган кишиндай, гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга телбаларча панжа ургани урган эди. Охири: «Бор-э! Шунча нарса этакка сиғармиди!» деган хаёл кечди кўнглидан; вазмин киприклари бир-бирига елимлана бошлади. У қорда ўтирганча, бошини қуйи солди. Ҳеч нарсани ўйламай, бир лаҳза тин олгиси келди. Хаёл эса унга ором бермади. Нохуш улиётган шамол қози ойимнинг овозига айланиб, кулоқларида ғувиллай бошлади: «Бу уйда уни

нима қилади, нон нима қилади?!» Бу гувилланга чап бериб: «Дунёда ун шунча кўн эканг нимага мендан бир бурда нонни аяди, а?!» деб ўйлади у. Қаттиқ алам қилди: «Биров унни қоплаб йиғиб, бировнинг бир қанча унга зорлиги нимаси? Уннинг мана шундай ўртада сочилиб ётгани яхши! Келлиглар, олинглар! Қози ойим, марҳамат, сиз ҳам олинг, кўзингиз тўйсин... Бировда бор, бировда йўқ, деган гап бекор!»

Шу дам поввойнинг овози қулоғига урилгандай бўлди: «Ол, псинишга кирганинг ёлғон, боланг оч, биламан!» Бу овоз онанинг қулоқларида такрорланаверди. Кўзлари жикка ёшга тўлди. «Шунча ун менки бўлса, мен нима қилардим?» деган гап хаёлидан нари кетмади. Ўзи ҳам ўзига поввойдек меҳрибон, сахий одамга ўхшаб кўришди ва кўзда ёши билан жилмайди. Совиган томирларида туйқус илиқ бир ҳис оқди. «Шундай! Бас! Дунёда менга бошқа нарсанинг кераги йўқ! Мана, ун ўртада сочилиб ётибди. Келлиглар, олинглар!» деб шичирлади у. Томирида оққан илиқ ҳис унга олий бир таскин ва ором бахш этди. Шу ҳиснинг роҳат-ҳаловати бағрида кўнгли тинчиб, оғир бошини қорга қўйгиси, бир лаҳза мамнуи ҳолда мизғигиси келди.

У бошини қорга қўйди ва жилмайиб уйқуга кетди...

* * *

Эртаси куни кўкда қуёш ёйди.

Гузар масжидининг домла-имомига муовини — масжид мутаваллиси мулла Абдурахим сўз қотди:

— Масжид ҳаммолди заифаси бирла сағири қазо қилибдур...

— Мин раҳматул бис савоб! — дея пахмоқ соқолини силади домла-имом. Кейин, биткўз, узун башараси буришиб, қўшиб қўйди: — Кулбада не бор, қоғозга олинг. Тўртта одам топиб, ўзингиз жаноза ўқирсиз, маида бўлак ишлар бор.

Мулла Абдурахим домла-имомнинг айтганини қилди. Она-болани бир ерга қўйиб келганларидан кейин, у чўтир юзига салобат бериб, калтагина соқолини силади-да, қисқагина қуръон ўқиди. «Шу икки банданинг ҳам у дунёлари обод бўлсин!» деб узун дуо қилди.

Мутаваллидан қўйида ўтирган уч-тўрт камбағал қўл кўтариб, юзларига фотиҳа тортишди.

МАРҶОН

Икки тавақалии гуҷум дарвозаашинг бир тавақаси вазмин гиҷирлаб очилди. Дарвозадан ичкарига ранги ўчган атлас кўйлакди, пахмоқсоч қизчани олдиға солиб, қора кийган кампир кириб келди; улар тўша-тўғри ҳовли тўрига йўналишди.

Ҳовли тўридаги хонада уч киши ўтирарди.

— Она, аммам келди! — деди дераза қаршисида чўк тушиб хамир қораётган Малоҳат, У эндиғина йиғирмадан ўтганига қарамай, уй-жойли аёл бўлиб, бу ердан икки-уч том наридаги ҳовлида истиқомат қиларди. Унинг онаси — Баҳри эса қишлоқдан анча йироқдаги катта шаҳарга бундан икки йил бурун ўқийман деб кетган, ўша ёқда Аваз деган йиғитга теккан эди. Эр-хотин ора-чира қишлоққа келиб, икки-уч кун меҳмон бўлишар, бундай пайтларда Малоҳат ота-она хонадонида уймалашиб қоларди. Унинг ота-она хонадонида хизмат қилиши бежиз эмасди. Бу ерда фақат қизларининг отаси — Қайом ака икки ўғли билан яшар, хонадон бекаси бўлган аёл дунёдан ўтиб, аллақачонлар ҳоким туробга айланган эди.

Дарвоза очилган, Малоҳат «амма» келганидан хабар берган чоқда, Баҳри билан Аваз деразага тескари ўтиришарди. Улар ярим ўғирилиб, ҳовли томонга қарашди.

Ҳовлида кўринган кампирининг юзи бурнишиқ, ҳорғин эди; кўзлари хира, ҳаттоки ярим ожиз бўлгани учун ишончсиз, бир оз пайпасланиб қадам ташларди. Кампир яқин бир қишлоқда турар, афтидан, ўзи учун ёлғиз хаёл бўлган катта шаҳардан жияни эри билан келганини кимдандир эшитган, уларни кўрай деб, бу томонга йўл олган эди. Пахмоқсоч қизча худди кампирни ўзи бошлаб келаётгандай, болаларга ҳос бўлмаган сиполик билан илдам босар, аммо қизчанин кўзлари болаларга ҳос ички бир қувончдан порларди. У, чамаси, бувиси билан узоқ сафарга чиққанидан беҳад бахтиёр эди.

— Келинг, амма, келинг...

— Ассалому алайкум...

Уйга кирган кампирининг вужудида кезаётган титроқ унинг овозида ойдин акс этарди. У хона тўрига ўтди, қизча ҳам ўтиб ўтиргач, қўл очиб, юзига фотиҳа тортди.

— Баҳрихон, бинойимисан?! Сиз, поччо, бинойими?! Сан тузуккина юрибсанми, Малоҳат?!

— Шукр... шукр...

Малоҳат тоғора устига супрани ёлди, хамирли қўлларини ҳаволатиб тутганча, уйдан чиқди. У бир нафасдан

кейин дастурхон кўтариб кирди, бир нисбатдан чой ичишди. Гап гапга кам қовушар. Баҳри нима учундир камширга совуқроқ муомала қиларди:

— Олинг, амма, очдирсиз... Нойи нисда шунча йўл босибсиз-да, овора бўлиб...

Унинг гапида «сенга кўзимиз учиб турганмиди?!» деган маъно бор эди. Камшир ўз навбатида бу нохуш муомалани сезмас ёки сезмаганга соларди:

— Сени кўрай дедим-да, бачам... Сегиндим, энди шу ўртага мошин йўқ, лекин...

Чойдан кейин Малоҳат тандирга ўт ёққани чиқиб кетди. Камшир қизчага, сен энди ўтир, деб қўйди-да, қўлини ерга тираганча, каловланиб ўрнидан турди, таҳорат олмоқчи эканини айтиб, Баҳридан бир обдаста сув беришини сўради. У билан Баҳри ҳам изма-из ташқарига чиқишди.

Қизча бошини хиёл эгиб ўтирар, кўзи остида Авазга ҳадик ва қизиқсиниш билан разм соларди.

— Отинг нима?— деб сўради Аваз.

— Шало...

— Шахло, дегин... А, молодэс!..

— Буни қаранг, Аваз ака, қудуқ олдидан тондим,— деди эшикда кўринган Баҳри. Унинг қўлида шимадир йилтиради. У эрига яқин келиб ўтирганча, ўз тошлдиғини намоёни этди.— Маржон... Онамники бўлса керак...— деди у, ногоҳ овози пасайди, ҳазинланиди.— Биласизми, онамда анча безак бор эди. У киши ўлганда бизлар кичкина эдик, отам бепарво одам, мана шу камшир ҳаммасини супуриб кетган. Шунинг учун аммам баъзан кўзимга бало бўлиб кўринади...

Баҳри қўлида маҳкам сиқиб турган маржон Авазга гўёки илга ўтказилган ташландиқ ишша нарчаларидек туюлди. Бу маржонни у «яроқсиз, ҳеч бир қиммати йўқ», деб баҳолаши, хотинига ташландиқ нарсани кўтариб юрмаслигини айтиши мумкин эди. Бироқ бу маржон Баҳрига онасини эслатгани учун ҳам индаёлмади. У ҳали камширга Баҳри нима учун нохуш муомала қилганини тушунмаган эди, ҳозир амма билан жиян ўртасидаги муносабатининг узоқ тарихи борлигини ҳис этди. Аваз камшир ҳақида, яхши иш қилмаган экан, деб ўйлади, бироқ унга Баҳрининг камширга нисбатан адоват сақлаб юргани ҳам унча ёқмади. У, аввало, саховатли қалб эгаси эди: инсон икир-чикирлардан юксак туришни керак, деб биларди. Иккинчидан, у кексаларни бола санар, уларни кечириб керак, деб ҳисобларди; уларга узоқ ҳаёт йўлида ўтган гуноҳлари учун таънакор қарашни оқламади. Авазнинг

диққатини яна ажиб бир ҳол жалб этди: у Шаҳлога қаради-да, қизчанинг катта одамлардек жиддий қиёфага кириб, ўзи билан Баҳрига разм солаётганини кўрди. Аваз, тўрт-беш ёшлардаги қизчанинг ақли ҳамма нарсасига етади, деб ўйлаш ортиқча соддалик эканини билса-да, қизча қаршисида гуноҳқорона бош эггиси келди. Норасидалар ўзларига қондош-жондош бўлган одамларни ёмон деб билинмагани маъқул! Бу — нисон ҳис этишни мумкин бўлган бахтсизликлар ичида биринчисидир!

— Майли,— чуқур тиш олди Баҳри,— мен Малоҳатга қарашай...

Баҳри уйдан чиқиб кетди; тахминан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, иккита иссиқ поён кўтариб кирди. Унинг катта, қора кўзлари тунд, ўзи андак паришон кўринарди.

— Феъллим қурсин,— деди у,— ҳамма нарсани хар ёққа ташлаб кетавераман. Билмадим, маржонини қасргадир қўйдим, энди тополмаяпман...— У нонини бурдалади, бир парча нонини сақичдай узоқ чайнади-да, оҳиста пичирлади:— Аммам ошхонада ўтирибди. Малоҳат таңдирдан поён узини билан девордаги дастурхонини олиб, тўрттасини ўзи учун ўраб қўйди. Нарса кўтариб кетишга ёмон ўрганган...— у жим бўлиб қолди, сўнгра ўрнидан турди:— Иссиқ... дим... Сиз бир оз дам ола қолинг. Кечқурун Малоҳатнинг уйига борамиз, бормасак хафа бўлади...

Авазга Баҳрининг дам олиш ҳақидаги гапи хуш ёқди; қизчага, сен ҳам дам ола қол, бўлтимин, деб қўйиб, кўрпачага чўзилди.

У поғахоний шовқиндан бехос уйғониб кетди:

— Муттаҳам!.. Ўғри!..

— Ман бекор деб олибман, бачам, майли ол...

Аваз ўрнидан санчиб турди: шошилиб эшикка чиқди. Эшик оғзида Шаҳло кўзлари бакрайганича қотиб турар, Малоҳат уй билан дарвоза ораллигида, чап қўлда жойлашган ошхона эшигига барваста гавдасини суяб турарди, ёш келинчак эғшидаги қапордай кўйлак биланми, лўппи юзи, чиройли кўзларидаги ғамгин осойишталик биланми, катта ёшдаги қишлоқ аёлларини эслатарди. Баҳри ундан жуссада кичкина, унинг олдида поэтик ҳамда ёш кўринар, опадан кўра сингилга ўхшарди. Баҳри суна этагида турганича, ингичка елкалари титрар, кўзлари иштиқом ҳисси билан ёнарди. Кампир эса суна лабида чўнкайиб ўтирар, синиқ товушда минғирларди:

— Ман бекор деб олибман, бачам, майли, ол...

Авазга Баҳри титраб-қақшаб ўтган воқеани гапириб берди. Ошхонага кирибди-ю, ҳали кампир ўзи учун поён

тутиб қўйган дастурхонга қарабди; бахтиёр дастурхонининг бир учи тутик эканига кўзи тушибди. Очиб кўрса, ўзи тонган маржонини кампир олиб қўйган экан.

— Бўпти, бас қилинлар, уят бўлади!..

Аваз буидан ортиқ ҳеч нарса деслмади. У гап фақат эски маржон устида эмаслигини биларди. Маржон Баҳрига безак сингари хизмат қиладиган даражада кўримли ва подир бўлмагани каби, кампирининг ҳам мулкига айланадиган даражада қимматли матоҳ эмас эди. У маржонга онасидан ёдгор деб қараган Баҳрини қоралай олмас, худди шунингдек, маржон кўзига яхши кўринган, қаердадир ётаркан, қизиқсиниб ўзиники қилган кампирини қоралаши ҳам маҳол эди. Можаро Авазнинг бир оғиз гапи билан битадимини, йўқми, ҳали билдирмаган шу фурсатда ногаҳон дарвоза очилди; ҳовлига ёзлик оқ костюм кийган, сомон шляпали ориқ-озгин киши кириб келди. Бу — Қаюм ака эди.

Суна лабида чўнқайиб ўтирган кампир, Қаюм ака кўринганида, одамнинг кўзи бовар қилмайдиган енгил ҳаракат билан ўридан турди, шундай гайрат билан унга томон ошиқди:

— Ука, Баҳрини қаранг, мани ўғри дейди, ука!..

Қаюм ака камган, аламзада, жаҳли тез одам эди; бировни қора деб билса, бас, кескин ҳаракат қилиши муаммо эмас, фақат қулоғи оғир бўлиб, гапини дарҳол илиб ололмасди. Ҳозир агар у можарони эшитиб-билса, Баҳрини ноҳақ ҳақорат қилиши ёки ноҳақ жазолаши мумкинлига кўриниб турарди. Аваз Қаюм аканинг табиатини тушунгани сабабли, Баҳрининг қўлидан маржонни кескин тортиб олди, кампир билан изма-из Қаюм акага яқинлашди.

— Арзимаган гап... Мана буни деб, фақат озгина...

Қаюм ака Авазга, унинг қўлидаги маржонга кўзлари жаҳлдан киртайиб қаради. Хайрият! У жаҳлини маржонга урди — маржонни куёви қўлидан юлқиб, шиддатли бир ҳаракат билан том она дала томон улоқтирди. Сўнгра индамай дарвоза пинжидаги уйчага кириб кетди...

Оқшом қўнди...

Ҳамманинг нафаси ичига тушган, жанжал босилган эди. Бироқ бу ҳовлидаги ҳар бир тирик жон қалбида унинг ёлғиз ўзиники бўлган ҳиссиётлар энди яширин, аслида, олдингидан кучлироқ чайқаларди. Баҳри ошхона эшиги олдида курсига тоғора қўйиб, асабий кир юварди. Кечки таомга уннаган Малоҳат ошхонага кириб чиқар, қўнгли ғаш эди. Кампир икки-уч соатдан бери суна лабида чўнқайиб ўтирар, унинг юзи шу қадар буришиб қолган эдики,

гўё қандайдир ички жисмоний огриқдан қаттиқ азоб чекаётган беморга ўхшарди. Энди камширининг пинжига келиб ўтирган Шахлошнинг юз-кўзида ҳовлига у кириб келган чоқда кўринган бахтиёрликдан асар қолмаганди. Қизчанинг юз-кўзида зерикish, ҳаттоки кексаларга хос ғусса, ҳорғинлиқ акс этар, ҳовлида нари-бери юриб, тинмай панирос чекаётган Авазга эса бу ҳар нарсадан ҳам кўпроқ алам қиларди.

Аваз ҳовли юзида нари-бери юриб, бугун ўтган можарода «ким ҳақ, ким ноҳақ?» деган муаммо устида бош қотирарди. У ғариб қиёфага кирган камширини ёмон кўриб қолган, камширини оқламас эди. Баҳри!.. Аламдан ҳамон титраб-қақшаётган Баҳрини эса кескин қоралар, ичида ҳаттоки қойиб қўйишни истарди. «Нисон аввало ўз мавридида кўтарилган, фойдаси тегадиган можарога тарафдор!— ўйларди Аваз.— Кейин, нарса талашиш Баҳрига муносиб эмасди! Булардан ташқари, Баҳри шунини билишни керак эдики, бақириб-чақириб айтиш мумкин бўлган гапни мулоҳим тарзда билдириш ҳам мумкин!»

Оқшом кўнди...

— Опа, юринг энди... Почча, юринг...— деди Малоҳат.— Амма, юринг, озгина ўтириб келасиз...

— Йўқ, бачам, ман бормайман...

Бу ердан икки-уч том наридаги ҳовли супасида, сўри остида опа-сингил, куёвлар — Аваз билан Боқижон узоқ ўтиришди.

— Иккита вино бор, анчадан буён ётибди,— жилмайди Боқижон.— Шундан бир оз ичайлик, исроф бўлмасин...— У тақир қирилган, яланг бошини тебратар, ҳазилканлик қилиб, кайфиятсиз даврани қизитмоқчи бўларди.— Дастурхонга қараңглар, ҳадеб бир-бирига тикилишдан фойда йўқ...

— Камшир ҳар келганда уйини супуриб кетадимин, дейман... Сенам, Малоҳат, худди отамдай бепарво...

Баҳрининг кўнгли сира ёримасди. У бу кун можародан қониқмаган кўринар, камширини ер билан яксон қилгиси бор-у, бунга эришолмаганидан алами ичида чўкиб ётарди.

— Ўтган ишга салавот деган гап бор,— деб тўнғиллади Аваз сабр косаси тўлиб.— Етар энди...

— Биров уйини супуриб кетаверса майли экан-да!— Унга терс жавоб қайтарди Баҳри.

— Бу уй Қажом аканики! Сиз бу одамнинг қизи бўлсангиз, камшир опаси...

— Ўғрини оқлаш керак, денг...

— Қари кишининг қарилигини ҳурмат қилиш керак!

Кейин бу бемаврид, бесфойда бир можаро. Сиз бу можаро билан нимага ҳам эринлардингиз, отангиздан калтак ейсиз, холос..

— Мен калтакдан кўркмайман. Қарим, ёшми, мут-тахамлик қилса, юзига айтаман. Сиздай яхши билан ҳам, ёмон билан ҳам келишиб кетаверингиз тобим йўқ...

Аваз божаси билан бир оз ичганди. Бу баҳс оқибатида кайфи тарқамагани, балки боши айланаётганини ҳис этди: ўршдан даст кўзгалди, Боқижоннинг ҳай-ҳай деганига ҳам қарамай, дарвозага йўналди, кўчага чиқиб кетди...

У кўчада санқир, нечундир юз-кўзига гусса, ҳорғинлик акс этган пахмоқсоч қизалоқ ҳаёлидан кетмай эзилар, ўлмас ҳақиқатни ҳис этарди: андак кезингач, бари бир уйга қайтади, кейин ухлашади, бу кунги таассуротлар эртага эскиради. Дунёда босилмайдиган из, ювилмайдиган доғ йўқ... Бироқ онла қурган икки жон ягона ҳиссиёт, ягона фикр эгаси бўлиб, узундан-узоқ ҳаёт йўлини босиши керак. Аваз билан Баҳри энди бу йўлни қандай босишар экан?!

Баҳри билан кампир ўртасида низо чиққандек, бу кун кутилмаганда эр-хотин орасида ҳам кучли зиддият туғилганди... Йўқ, онлада икки ҳиссиёт, икки фикр билан яшаб бўлмайди! Бундай онла бузилиши ёки кимнингдир қўли баланд келиши шарт... Агар Баҳри ҳақ бўлса, Аваз бош эгишга рози эди. Лекин, агар у ҳақ бўлса, Баҳри буни ҳис этиб, хатосини тап олармикан?!

Ҳозирча — қоронғи қишлоқ кўчасида, хумор кайфиятида бу чигил саволларга жавоб топиш, ҳар қалай, осон эмас эди.

ОДДИЙ ВОҚЕА

Бугдойранг, лаблари олчадек қин-қизил жувоннинг исми — Лайли.

Лайли суйган кишисига чиққан. Лекин бу хонадонда ҳам қайнона-келини можароси бор.

Мабодо Лайли:

— Ҳалиям эртароқ эрга тегдим, йиғирма ёш нима, яна беш йил юрганим маъқул эди,— деса, қайнона муштини эрга уриб:

— Ҳай, келинжон, ҳай! Биз ун тўрт ёшда эрга текканмиз, дўппи билан урганда йиқилмаса раво, деган гаплар бор. Бизни ҳисобга олса, тўйининг ўзидаёқ қариқиз эдингиз, келинжон!— дейди.

Қайнона кун бўйи ҳовлида ивирсиб юради, келини

индан келгунча гап йиғиб қўяди, келини келгач, бешиктерватдай бир у-бир бу ёнга қийшайди, сўнг яна худди бешиктерватдай, бошини бир силтаб, гапга тушади. У келиним ўзимга ўхшаса, дейди. Келини унга ўхшамайди.

Қайнона умрида оёғига келини-маҳсидан бошқа нарсани қилмаган. Келини эса пошнаси бир қарич этикчадан пошнаси бир қарич туфлигача кияди. Қайнона бошини очмаган — бошидан олдин паранжи, кейин рўмол сира тушмаган. Келин эса боши очик юради. Битта сочининг ўзига юз хил оро! Қайнона, хотини киши уй қоровули, деб билади. Келин эса, азондан шомгача ишда. Уйга келгач, яна эрини судраб томошага кетгани дард устига чиққон! Қайнона умрида эркак кишининг юзига тик қараб гапирмаган. Келин эса гапиргани етмагандай, уларга қўшилиб кулади-ям! Мана, можаро учун икки ўртада қанча зиддият!

Бу зиддиятларга, ниҳоят, бир куни кампирнинг, ўғлим бола тирноғига зор, деган гап қўшилди. Кампир бир у-бир бу ёнга қийшайди, бошини силтаб, келган-кетганга «тирноқ»дан гапирди.

Қайнонанинг ҳеч гапига парво қилмаган Лайли шунга келганда безовталаниб қолди. У ойна олдида жимгина ўтирар, сочида оқ тола кўринса, шарт юларди. Кампир хонага кириб афтини буриштирганини кўрса, баттар фиғони ошар, ойна олдидан санчиб туриб, кўчага югурарди.

Бир куни бола сабаб бўлдим, Лайли аллақасердан қон-қорагина мушукча топиб келди. Бутун эътиборини ўшанга берди: едириб-ичиради, ювиб-тарайди, дардларини айтади, бошига қалпоқча кийдириб қотиб-қотиб кулади!

Кампир мушук зотини асли ёмон кўрар, ҳатто қўрқарди. Мушукча кўриндими, у хўмраяр, бошини силтаб алланималарини гўлдирадди. Баъзан кечалари эркатой мушук кампирнинг қўйнига кирар, у ўрнидан санчиб туриб, ҳовлини бошига кўтарарди. Ўғли шўрлик икки орада сарсон — на опасига, на хотинига бир нима дея оларди.

Бу ноқулай савдо кўнга чўзилмади. Бир куни мушукча ўзидан-ўзи йўқолиб қолди.

Лайли яна ойна олдида жимгина ўтирадиган, сочидаги оқ толани юладиган бўлди. Кампир яна ўзини эркин сезиб, боладан бемалол гапирадиган бўлди.

Лайли мушукчани қайтиб топмади, ўрнига қафасда майна олиб келди. У энди майнага емин берар, қафасга қўйилган кафтдай ойначанинг панасида туриб унга гап ўргатарди. Майна эшик ёйиқиллаб очилса: «Ким у?» деб сўрашга, ҳар куни эрталаб: «Ассалом!» дейишга ўрганди. Кампир мушукчани кўриб аччиқ қилган бўлса, бошда

«одобли» майнадан хурсанд бўлиб юрди, лекин тагини можаро чиқди.

Қайнона ҳовлида ивирсиб юраркан, гўлдираб, келинидан полиди ва ўзини ҳам озгина ерга ургиси келди.

— Мен-ку, мияси ачиган кампир, лекин у...— деди.

Майна кулоқ солаётган экан, ган ўрганибди. Қайнона қафасга қизиксиниб қараган эди, майна бўлиб-бўлиб:

— Мияси ачиган кампир,— деди.

Қайнонанинг ранги ўчди, кўзлари бежо бўлди. Унинг кўнгли майнадан ҳам совиди; вақтини тониб, бировга бериб юборди.

Лайлининг ойна олдида жимгина ўтириши бу гал кўнга чўзилди. Охири у қайнонаси кутгандай, яна бир балани олиб келмади, балки «Болалар уйи»дан уч-тўрт ёшлардаги бир болани олиб келди. Энди у болани эркалар, кўчага қўғирчоқдай ясашиб чиқарарди. Ҳовли юзи қолиб, ўғилчасини дарвоза олдидаги қалин дарахтлар соясида, каттакон тоғорада чўмилтириб ўтирарди. Булар кампирга сира ёқмасди. Яна можаро чиқди.

— Бировининг боласи бошқа бировга вафо қилганини кўрмадим,— дерди энди кампир.— Ўз боланг вафо қилмайдими-ю!...

Бола ўздан-ўзи йўқолмади, қайнона уни бировга бериб юборолмади.

ОМАДСИЗ ОДАМ

Одам ҳамиша одам учун гаройиб бир олам бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

В. Г. Белинский.

Бухоро шаҳрининг Шояхси гузаригади катта бир ҳовли қачондир пахса девор билан иккига ажратилган, бу ерда икки қария ёнма-ён истиқомат қилишар эди.

Уруш эндигина тугаган кунлар Шарифжон деган қария кутилмаганда ҳовлидан кўчадиган бўлиб қолди. У қўшини Қурбонбойнинг уйига келиб, шу тўғрида ган очди:

— Мен, акамулло, янги ҳовли олдим.

— Қўйинг... сиз бу ердан кетманг,— деб ғудранди Қурбонбой.

Улар кўп йиллик кадрдон эдилар. Қурбонбой шундан ҳовли тўғрисидаги гапини жуда нохуш қабул қилди.

— Мен кетмасам бўлмайди, акамулло,— деди Шариф-

жон. — Лекин, сизга бундай маслаҳатим бор: сиз шу инёз нустидай деворни қўнориб ташласангиз, бундан кейин бутун бир ховли сизники бўлиб қолса...

Қурбонбойнинг рўзгори катта, ўзи камхарж эди. «Мен қаёқдаю ховли олишга имкон қаёқда?» — деб чайналди.

— Қизик одам экансиз, акамулло, — деди Шарифжон. — Ўзингиз биласиз, мен сизни ҳақ тўлашга ҳеч вақт кистамайман. Бундан бўлак, уй-жой ўғлигиз Қудратжон учун бари бир керак бўлади.

Шарифжон Қудратдан шунчаки гапирди-ю, икки қария баб баравар қизаришди. Шарифжоннинг бўй етган Ҳафиза деган қизи бор эди. Қудрат билан Ҳафиза бирга катта бўлишиб, бир мактабда ўқишган, улар ўртасида аввалдан қандайдир яқинлик туғилган эди. Бундан уч йил бурун Қудрат аскарликка олиниб, олис ерларга — урушга кетди. Уни энди икки хонадон бирга кутар, тўй-томошани орзу қиларди. Аммо қариялар бу тўғрида ҳеч қачон сўзлашишмаган, ортиқча сўзлашиб ўтиришни ўзларига муносиб ҳам кўришмас эдилар.

— Демак, акамулло, гап тамом! — деди Шарифжон ўридан қўзғалиб.

— Э, тўхтаг!.. — деди Қурбонбой. У ҳар эҳтимолга қарши бир оз маблағ жамғариб, гилам остига ташлаб қўйган эди. Олиб, Шарифжоннинг қўлига тутди. — Сиз ҳозирча мана буни олиб турунг. Қолганини ўзингиз айтганингиздек аста-секин узармиз.

— Ҳа, майли, — деди Шарифжон. — Лекин менинг кўчиб кетаётганимга сиз ҳам қилманг, акамулло. Биз ҳеч вақт бегона бўлиб кетмаймиз.

— Албатта, албатта!.. — деб пичирлади Қурбонбой.

Шарифжон шундан кейин уйдан чиқиб кетди. У қўп ўтмай, ховлидан қўч-қўронини ҳам қўтарди.

Қурбонбой паҳса деворни қўнориб ташлади. Ўз уйида безак бўлган гиламча, каравот, хонтахта ва курсига ўхшаш нарсаларни бери томондаги катта хонага киритиб, хонани ўгли учун «замонавий тарзда» ясатган бўлди.

У ховлининг кенгайиб қолганидан хурсанд эди. Қария энди ўғлини илҳақ кутар, йиғитининг ясатилган хонага кириб келишини тасаввур қилар эди. Тўй-томоша ҳақидаги ҳаёллардан унинг қўлига олдингидан кўпроқ умид шуъласи тушган эди.

Қурбонбой, иккинчи томондан, серташвини бўлиб қолган эди. У тўрт-бешта сартарош куни билан раббим деб одам пойлаган саройдек катта дўконда тирикчилик қилар, тонган даромадининг унча мазаси йўқ эди. Қария ховли

учун ҳам, уйларин тузатиб, тўй-томоша ўтказиш учун ҳам маблағ кераклигини яхши билар, тузукроқ даромадга эга бўлишни истарди. Турмуш танишлари энди уни қимирлатиб қўйган эди. У ўзи аъзо бўлган артельга кунда қатнаб, артель раисидан кичкина бир дўкон очинишга рухсат сўрай бошлади.

— Ранс дўкон очинишга розилик берса, ишлар юришиб кетармиди,— дерди Қурбонбой хотини Салтанатга.— Қудратжон қайтиб келгунча ўзимиз гайрат қилиб турмасак бўлмас!..

* * *

Бир куни Қурбонбой уйга ҳар қачонгидан барвақт — қуёш уфққа эндигина ёнбошлаган пайтда кириб келди.

Ҳовли юзига қалин сув сепилган, бошини катта рўмол билан танинган қизча ҳовли супурарди.

— Бибинг қани, Нарзи?— деб сўради Қурбонбой.

— Ҳамсоянинг уйида,— деди Нарзи бошини кўтариб.

— Карим уйнаб юрибдими?

— Йўқ, шу ерда,— деди Нарзи. У ҳовли кунжидаги пастак хонанинг ялтираган деразасига қараб қўйди. Сўнг, супургини оёқ остига ташлаб, онасини чақиргани дарвоза томон юрди.

Қурбонбойнинг чап оёғи икки бармоқ бўғимича калта эди. У оқсоқ оёғини букиб-букиб юрар, гавдаси ғарибона тусда андак чайқаларди. Ҳозир ҳам қария ҳовли юзида шу қўйи бир оз судралиб юрди. Кейин ҳовли кунжидаги пастак уй томонга қаради.

— Карим!

Уйнинг бир тавақали, бўёқсиз эшиги ғижирлади. Эшикда ўсмир боланинг пахмоқсоч боши кўринди.

— Ҳа, дада?

— Сен эрта мактабга бормаисан, ўғлим. Иш бор,— деди Қурбонбой.

Дарвоза томондан шипиллаган оёқ товуши эшитилди. Оқ гулли чит қўйлак устидан қора камзул кийган Салтанат, унинг изидан Нарзи пайдо бўлишди.

— Ранс дўконга розилик бердилар,— деди Қурбонбой илжайиб. Унинг сўлгин юзига жон кирган, ичга ботган кўзлари ялтирар эди.

— Хайрият!— деб пичирлади Салтанат.

— Ишлар энди юришиб кетади,— деди Қурбонбой ҳамон мамнун ҳолда.— Бу ёғи Қудратжон ҳам тезроқ қайтиб келса, бошқа шикоятимиз йўқ...

Ховли кунжидаги уйнинг остонасида турган Карим бошини охиета ичкарига тортди. Уйнинг бир тавақалининг вазмини ёқжирлаб ёпилди.

* * *

Тун ўтиб, яна кун оқарди.

Қурбонбой Салтанатга кечқурун ош қилишни буюрди. Салтанат: «Икки парча гўшт, икки пиёлагина гуруч бор, савзи-пиёз келтирсам бўлди», деб каллан саҳардан бозорга кетди.

Нарзи мактабга тушдан кейин бориши керак эди. Нарзи билан бугун мактабдан қолган Карим уйда понушта қилишар, Қурбонбой даҳлизда ивириб, ўзига керак бўлган ашқол-дашқолларни тўйларди. Унга артелдан қачондир дўкон вазифасини ўтаган, аммо уруш бошлангач, синигига қулф солинган бозордаги бир уйчани беришган эди. У кичик ўғли билан шу жойни сунуриб-сидириши, деразадаги синиқ ойиани алмаштириши, эшик устига «Сартарошхона» деган тахтани михлаб қўйиши, хуллас, тартибга солиши керак эди. Сартарош даҳлиз эшигидан ҳар вақон ичкарига кўз ташлар, имиллаб чой ичаётган ўғлига тўнгиллаб қўярди:

— Бир чойга бунча ўтирма, болам...

Шу пайт дарвоза тақиллади.

Карим ўридан дик этиб турди. Отасининг ёнидан шамолдек ўтиб, ташқарига чиқди. Болакайни, афтидан, отасининг ташвишлари унчалик қизиқтирмас, иложи тоилса, унинг ишдан қочгиси йўқ эмасди. У ҳовли тарафдан овоз берди:

— Дада, амаким келдилар...

Қурбонбой қўлидаги чўлтоқ сунургини ташновга ташлаб, эшик томон босди.

Қурбонбой сингари Шарифжон ҳам бекорчи эмасди. Аммо у ҳафтада тўрт кун ишлаб, уч кун дам олар, ўз иши тўғрисида: «Биз вокзалда чироқ кўтариб юрамыз», дерди. Ҳовлидан кўчиб кетган бу қария энди ишдан бўш кунлари шаҳарнинг нарига бошидаги янги ҳовлисида шаҳарнинг бериги бошидаги эски ҳовлига албатта бир кур келиб кетар, шуни одат қилган эди. У ҳар гал келганида: «Акамулло уйдами?» деб сўрар, сартарош билан кўришганидан кейин, бундай қўшимча қиларди: «Соқол баланд бўлибди!..»

Қурбонбой Шарифжонни ёруғ юз билан қаршилар,

ушнинг Шарифжондан яқинроқ дўсти ҳам, суҳбатдоши ҳам йўқ эди. Факат, баъзан сартарошга Шарифжоннинг соқол олдириши билан кифояланмай, «Кўчани айланайлик, акамолло, биз бугун бекор» ёки «Бир жойда тўй бор экан, икков борайлик», деб тихирлик қилиши, ўзининг жондан азиз вақтини ўтирлаши андак малол келарди. Баъзан эса Шарифжонни кўриб, сартарош икки нарсани: бу одамнинг олдида қарздор эканлигию сўнгги ойларида нечундир жигарбанди Қудратжондан хат-хабар ҳам келмаётгани, умидли кутиш соатларининг ниҳояси бўлмаётганини эслар, беихтиёр хаёли қочар эди.

Шарифжон увовқина киши эди. У эғнидаги дағал пахталик, бошидаги айвончали кепка билан худди отасининг уст-бошини кийган болани эслатар, қулмасираб турган қисик кўзлари ҳам, юзига шибатан катта бурни, дўрдоқ лаблари ҳам уни одатда болага ўхшатарди.

— Ассалому алайкум!

— Э, қани, келинг... марҳамат...— Қурбонбой Шарифжонни Қудрат учун ясатиб қўйилган хонага таклиф этди. Ҳовлида юрган Каримга йўл-йўлакай мурожаат қилди.— Мени халтам дахлизда турибди, ўшани келтир, болам. Иссиқ сув тайёрла!..

Шарифжон нахталик билан кепкани миҳга олиб, табуреткага ўтирди. Карим ликобчада иссиқ сув билан дадасининг устаралари солинган чарм халтани олиб келди ва яна нимадир дейилишини кутгандек серрайди.

— Саиджон магазинчини биласиз-а, акамолло,— деди Қурбонбойга Шарифжон.— Бугун набирасига тўй беряпти...

Сартарош Шарифжоннинг гапига дарҳол жавоб қайтармади. У миҳозининг юзини совунлаб, устарани қайроқтошга ура бошлади.

Карим бир Шарифжонга, бир отасига қараб қўйиб, уйдан чиқиб кетди.

— Бугун мен тўйга боролмайман,— деб ғудранди ниҳоят Қурбонбой.— Сизга айтсам, кеча дўконга рухсат тегди. Мен бугун дўконни очмасам...

Шарифжон сартарошни ортиқча қистамади. Қурбонбой Шарифжоннинг юзига атир сепди, кейин уни дарвозагача кузатди.

— Агар имкон бўлса, кечқурун келинг, хайми?— деди сартарош.— Бугун ўзимиз ош қиламиз. Бемалол бир суҳбатлашайлик, келинг.

— Ҳа, майли, яхши,— деди Шарифжон.

Шарифжон кетгач, Қурбонбой, мен уни ранжитиб

қўймадиммикан, деб бир оз ғаш бўлди. Шу аснода бу одамнинг олдида ўзи қарздор эканлигига асқар ўғлидан сўнгги ойларда нечундир хат ҳам, хабар ҳам келмаётганини яна эслади. Асаби бузилди.

У бери томондаги хонага кирди. Бу орада бозордан қайтган Салтанат хонада ёлғиз ўзи ип-сўзан қилиб ўтирар, тиззасида ёйилиб ётган сурпдан шимадир тикарди.

— Карим қани?— деб сўради Қурбонбой.

— Карим мактабга кетди,— деди Салтанат.— Сиз у кишини билан тўйга бормадингизми?

— Менинг қиладиган ишим йўқми?— деб бўғилди Қурбонбой.— Бу Карим шима учун одамга бундай чап беради?!

— У сизни амаким билан тўйга борадилар, деди...— деб ўғлининг ёнини олди Салтанат.— Бола-да, билмаган...

— Нарзи қани?— деб сўради сартарош.

— Нарзини сувга юбордим... Водопровод икки кундан бери қуриб ётибди. Уйда бир қултум сув йўқ...

Қурбонбой бўғилган найтларида худди жаҳонни ҳайламоқчидек, қўлини асабий силтарди. Ҳозир ҳам беихтиёр қўлини силтади. Кейин чарм халтани кўтариб, кескин эшик сари юрди. Остонада ноҳос тўхтаб, пойгакка қаради, ташновда ётган чўлтоқ супургини қўлига олиб, халтага жойлади-да, уйдан чиқиб кетди.

* * *

Сартарош умуман художўй, намозхон киши эди. У илбатта кунда беш қарра тоат-ибодат қилмаса ҳам, лекин бир қур намоз ўқимаса, кўнгли тўлмас эди.

— Менга бир офтоба сув беринглар, таҳорат олишим керак,— деди сартарош ишдан қайтиб.

— Ҳозир, дада, ҳозир...— деди Нарзи, сўнг ошхонага қараб югурди.

Ҳовли кунжидаги уйча Каримнинг дарехонаси эди. Карим уйчадан чиқиб, отасининг олдига келди:

— Дада, биласизми, сизни...

Боланинг, афтидан, отасига айтадиган шимадир муҳим гани бор эди. Аммо Қурбонбойнинг гап эшитгиси келмади. У кичик ўғлига қараб, бугун эрталаб ўзига шисбатан ито-итсизлик қилганини эслади. Унга ҳозироқ боланинг таниб-бехини бермаса, кунин бўйи юрагини кемирган ғашлик тарқаб кетмайдигандек бўлиб туюлди.

— Сен шима учун... сен...— деб ғудранди сартарош.

У бошқа сўз тополмади. Ўзининг барибир хумордан чиқиб сўзлай олмаслигини хис этиб, қўлини кўтарди, Каримни урмоқчи бўлди. Йўқ, иккиланди, боланинг қулоғини тутиб, қаттиқ буради.

Карим ўзини шаппа ерга ташлади. У йиғламади. Қандайдир ваҳимали биғиллади.

Қурбонбой одатда болаларини урмас эди. Каримга дарҳол кўнгли ачиди. Оқсоқ оёғини букканча, боланинг устига энгашиб, уни ердан кўтара бошлади.

— Бас! Бўлди! Ахир, болам, нимага менинг қонимни қайнатасан!— деди сартарош.— Ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Отамиз чизган чизикдан ҳеч вақт чиқмасдик... Сен ақалли акангини эслагин. Аканг нимаики иш буюрсам, индамай бажарарди, менга озор бермасди.

Каримнинг биғиллаганини эшитиб ошхонадан чиққан Салтанат уч-тўрт қадам нарида қотиб турарди. Эрининг оғзидан «аканг» деган сўз чиқиши билан жонланиб, бир қадам олдинга сурилди:

— Сизни, отаси, иккита одам сўраб келди. Биттаси бобо. Униса аскар... Сизда ишлари бор эмиш... Мен ичкарида эдим, уларни кўрганам йўқ. Карим гаплашган.

— Тавба, менда нима иши бор экан?— дея гудранди сартарош.

— Билмадим,— деб пичирлади Салтанат.— Кучани бир айланиб, яна келамиз, дейишибди...

Қурбонбой Каримдан гап сўраб ўтирмади. Таҳорат олиб, уйга кирди. Дераза олдига чўнкайди. Бироқ намоз ҳам унинг кўнглига сиғмади. Юзига фотиҳа тортиб, қайтиб ташқарига чиқди. Оёқларини хастаҳол букиб, ҳовли юзиди ҳорғин судрала бошлади.

Уйча остонасида мунғайиб ўтирган Карим кутилмаганда ўзининг хафа бўлганини ҳам унутиб, янгроқ товушда:

— Дада, амаким келдилар!— деди.

* * *

Шарифжон келди. Қурбонбой ҳали уни уйга таклиф қилишга ҳам улгурмасдан, дарвоза оғзиди яна икки киши: бошига телба-тескари салла ўраган, пахмоқ соқолли бир мўйсафид билан аскар кийимидаги кўҳлик, барваста бир йиғит пайдо бўлишди. Қурбонбой меҳмонларни катта хонага бошлаб кирди. Оқсоқ оёғини судраб юриб дастурхон ёзди.

— Қани, марҳамат, дастурхонга қаранглар,— деди у. Шарифжон ҳам чойни қайтариб, пон ушатди. Кейин мўйсафидга, йиғитга қараб, «олинклар», деб қўйди.

Қурбонбойнинг шу дамда Шарифжон билан унчалик нини йўқ эди. Унинг бутун диққатини мўйсафид билан аскар йиғит жалб этган, уларнинг нега келганини тезроқ билишни истарди.

— Қани, хуш кўрдик...— деб пичирлади сартарош.

Афтидан, саҳройи мўйсафид оғзига талқон солингандек, дунжини шишириб ўтирарди. Унинг содда, бир қадар тўнг ингоҳида ўғли билан ўз таъбига ўтиришмайдиган томошага кириб қолган оталарга хос похуш мажбуриятга ўхшаш ҳолат бор эди. Аскар йиғитнинг эса юқори лаби салгина киска, оғзи очилиброқ турар, гўёки унинг ичида гап кўп, фақат қандайдир кўрқувдан нафаси ичига тушиб кетганга ўхшарди.

Қурбонбой кўрсатган манзиратларга мўйсафид ҳам, йиғит ҳам индашмади. Сартарош эшикка чиқиб, Салтанатга ошни дамлайверишни буюрди. Уйга қайтиб кириб, меҳмонларга яна манзират кўрсатди:

— Меҳмон билан қўнғил пошшо, олинклар. Олмасангизлар мен хафа бўламан...

Унинг ганига бу сафар ҳам ҳеч ким жавоб қайтармади. Кейин, аскар йиғит ўзига-ўзи ганираётгандек оҳангда «кўп едик», деб қўйди, холос. Шу гап ҳам нима учундир унинг ичидан машаққат билан ўрмалаб чиққандек бўлди.

Қурбонбой аскар йиғитининг рўнарасига келиб ўтирди. Аскар бошини букди. Кейин, қариянинг юз-кўзига худди кечирим сўраётган одамдек мулоҳим қаради.

— Хў-ўш, ота, ўзингиз қалай, бардам юрибсизми?— деб сўради у.

— Ях... яхши... тузук...

— Биз деиғ, ота ўз тупроғимиздан узоқ ерларни айлашиб келдик... Шу деиғ, уруш ёмон нарса экан, ота, биз дуч келмаган кўрғилик қолмади... Дуиёда одамга бардош керак экан...

Қурбонбой: «Бу гапларнинг менга нима алоқаси бор?»— дегандек, бақрайди.

— Биз деиғ, ота шу сизнинг ўғлингиз билан бирга эдик,— деб сўзини давом эттирди аскар.— Иккимиз бирон қор-ҳол рўй берса, бир-биримизнинг уйимизга кириб ўтишни ваъдалашган эдик... Бўйишда қарз... дегандек... Қудрат ўғлингиз ёнимда эди, отажон, ўқ тегди, отажон... Кейин нима бўлди, билмайман, отажон...

Қурбонбой аскарнинг гапларига яхши тушуна олмади.

— Йўқ, менинг ўғлимга биров нима бўлгандир?— деб гудранди сартарош.— Айт, болам, очик айтавер, унга нима бўлди?!

Аскар бошини букди.

— Унга нима бўлди, айт, болам...— деб илтижо қилди сартарош.— Менинг ўғлим... ўлдими?!

Аскар индамади.

Қурбонбойнинг қалбини захарли бир тиг гўёки қўққисдан тилгандек бўлди. Шунинг баробарида, унга аскар йигитнинг ўзига нисбатан қандайдир яширин қасди, адовати бордек, бу йигит ёлғондан ўлим эртагини тўқиётгандек бўлиб туюлди.

Карим уйга чинни лаганда ош кўтариб кирди. Лаганини дастурхонга қўйди.

Қурбонбой Каримнинг юз-кўзига разм солди. Кичик ўғлининг юзида осойишталик, кўзларида чақнаган ўтли ҳаётни кўриб, сартарош ўзича, биров «ўлди» дегани билан инсоннинг мана шундай тирик бир фарзанди дарровгина ўлиб кетавермайди, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйлади.

— Қани, марҳамат, олинглар!— деди у беихтиёр.

Даврада ўтирганлар қимир этинмади. Қурбонбой уларга бирма-бир жавдираб қаради. Унинг нигоҳи Шарифжонга келиб қадалди. Шарифжон бўйинини қисган, кўзларидан милдир-милдир ёш оқарди. Сартарош Шарифжоннинг кўзларидаги ёшни кўргач, ҳушёр тортгандек бўлди. У, инсон фарзанди жангу жадал эмас, шунчаки кетаётган йўлида ҳам ўлиб қолавериши мумкинлигини, ўлим даҳшатли, аммо барҳақ эканлигини ногаҳон ҳис этди.

— Болам! Жоним болам!— деб пичирлади сартарош. Унинг кўз олдини зулмат босди. Кейин ҳамма нарса мана шу зулмат тошқинида гарқ бўлиб, фақат қоронғи бир парданинг ўзигина қолди.

Зулмат тарқалди. Театрда парда бир ёпилиб, қайтиб очилгач, янги кўриниш намоён бўлгани сингари, Қурбонбой уйда энди бошқа манзарани кўрди: меҳмонлар кетишган эди. Салтанат эрининг бошида чўнкайиб, юм-юм йиғлар, негадир тиз чўкиб ўтирган Каримнинг кўзларида қандайдир даҳшат қотган эди.

Хона ўртасида дастурхон ҳамон ёзиқлик. Аммо ошга ҳеч ким қўл урмаган, ош қандайдир қорайиб қолганга ўхшар эди.

Қурбонбой бозор оғзидаги дўкончага ҳамон қатнар, кўннча уйда хомуш ўтирар, «худога шукрона қилайин» деб, баъзан гузарбошидаги масжидга чиқарди.

Сартарош ишдан айрим куплар уйга ниҳоятда сишиққан ҳолатда қайтар, хотинига шикоят қиларди:

— Бугун бир одамни анча қийнадим. Сабил кўлим титрайди. Иш позик, ўлгур қўл бўлса, итоат қилмайди...

У қовоқлари дам сайини вазминлашиб, худди уйқуси келадиган одамдек чўкиб ўтирар, энди ора-сира юрагида занглаб ётган ҳасратни хотини олдида ўртага тўкарди:

— Менга ўзи аввалдан омад келмади...

Қурбонбойга чипдан ҳам омад қуёши ҳеч қачон кулиб боқмаган, уни ҳаёт ҳеч қачон эркалатмаган эди.

Қурбонбой бурунги замонда дунёга келган эди. Огаси умрини риёзатда ўтказган машхур Бухоро шайхларидан бўлиб, ўглининг ҳам дин йўлидан боришини истар, шунга кўшини қиларди. У отасининг продасига бўйсуниб, домлаимом дарс берган мактабда ўқиди, мадрасада таҳсил кўрди. Ана шу пайтда беҳосдан ийқилоб рўй берди. Қурбонбой юртга қандай ўзгарини келганини англаёлмас, энди нима қилиши кераклигини ҳам билмас эди. У отасига юзланди. Ота эса унга: «Сен гўмроҳларга аралашма!» деган ганини айтди. Сўнг, бундай фикр билдирди: «Эй, ўғлим, замон бошқа келди. Муҳаммад дини таназзулга учраётир. Сен бу замонда илм одами бўлма, ҳунар одами бўл. Ҳунар билан аввало кўнинг ўтади. Бўнинг устига, худони унутмайсан!» Ўшанда шайх касал бўлиб ётган эди. Ўлими олдида ўглини ҳузурига чақириб, унга яна таъкидлади: «Эй, ўғлим, меннинг айтганимни қилгин. Айтганимни қилмасанг, гўримда тик тураман!» Қурбонбой отаси чизган чизиқдан юришга қарор қилди. У ҳунар одами бўлди, худони эсидан чиқармади. Аммо ҳеч вақт бахт ҳам топмади; омадсиз одам бўлиб қолди... У бошда кекса бир заргардан ҳунар ўрганиб, заргарлик қилиш учун дўкон очди. Аммо дўкон очгач, кун-баку зарга унчалик ишни тушмайдиган одамлар замони бўлиб, танлаган касбига касод келганини пайқайди. Ўрганган ҳунаридан воз кечиб, ўзини бошқа касбга боғлади: уйларни чўпкорлик қиладиган дурадгорларга қўшилди. Йўқ, Қурбонбой бу касбдан ҳам барор топмади. Табиатан поэтик, заиф эканлиги унинг бу касбда ишлашига фақат халал бериб қолмай, тез орада ҳаттоки шўрини қуритди. Бир кун у чўпкорлик қилинган уйнинг устидан йиқилиб, қаннари лат еди; қайтиб одам қаторига

кирганида, тиззаси кўзига ботта урилди — халқ ибораси билан айтганда, ўзининг оёғига ўзи ботта урди. Қурбонбой нима қиларини билолмай, энди енгилроқ бир касбини излади. Ёши улғайиб, зеҳни ўтмаслашиб қолганига қарамай, сартарошга шогирд тушди. Аммо оғзи энди нонга етай деганда... уруш бошланиб, сартарошга мижоз бўлгулик одамларни шаҳардан битта-битталаб тера бошлади. Кўз очиб-юмгунча, шаҳарда кўнчилиги соқол қўйишни расм қилган мўйсафидлар, мўйлови сабза урган ўсмирлару сочини онаси уйда қайчилаб қўя қоладиган порасидалардан бўлак одам қолмади... Қурбонбойга энди қачонлардир хасис бир қўл кўзларини боғлаб қўйгандек туюлар, қайси кўчага кирмасин, бари бир, олдинга босолмаслиги муқаррар эканлигини ўйлаб, руҳан эзиларди. Қария энди ҳеч нш қилмасдан уйда ўтираверишга ҳам тайёр эди-ку, бироқ бунинг иложи йўқлигини яхши биларди...

* * *

Қурбонбойнинг уйига Шарифжон одатдагидек келиб турарди. У бир келганида ҳар сафаргидан узоқроқ ўтирди. Ниҳоят, кетишга ҳозирланиб, сартарошга йўл-йўлакай бундай гап қилди:

— Ҳафиза қизимизнинг ёши ҳам бир ерга бориб қол-япти, акамулло... Дунё қурсин... Қизнинг уволига қолмай-лик, деб биз ҳозир фақат шу... кичик бир тўй...

Қурбонбойни бу гап эсанкиратиб қўйди. Шарифжон ҳовлидан кўчгандаёқ икки ўртада тортилиб турган ил ингичкалашган эди. Қудрат тўғрисидаги хабардан ва айниқса, Ҳафизанинг тўйи ҳақидаги бу гапдан кейин, у гўёки тарағ тортилиб, чирт этиб узилгандек бўлди. Энди икки ўртада фақат қарзу ҳавола билан эски бир танишлик қолди...

Шарифжон сартарошнинг уйига анча кунлар келмади. Сўнг, яна «соқол баланд бўлибди» деб келиб туришга одатланди. Қурбонбойнинг ишда энди қўли баттар қалтирарди. У бўйидаги қарзини тезроқ узиб, Шарифжондан узоқлашишни истар, Шарифжоннинг келишини кўпинча малол билан қабул қиларди.

— Соқолни текинга олдирмоқчи бўлиб, шунча йўлга келиб кетади-ю, қарзини ўйламайдими?!— деб тўнғилларди уйда сартарош.— Ўйлайди... Соқол баҳона...

Сартарош баъзан Шарифжоннинг ўзига ҳам тўнғилларди:

— Сиз мендан қўрқманг, тақсир... Мен кўпроқ ишлаб, қарзимни узишга ҳаракат қиламан...

Шарифжон қизариб-бўзариб, бўйинини қисар, Қурбонбойга қандайдир кўзлари жавдираб қарарди.

— Қўйинг шу гапни, акамулло,— дерди у.— Менга ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарса...

Шарифжон уйдан чиқиб кетгач, сартарош яна ўзича тўпчилларди:

— Ёлғон... Ҳеч нарса керак эмас, дейди-я! Шайтон!

Сартарош иши юришмаганидан, энди Шарифжонни кўрганида асабийлашар, кундан-кунга тўлиб, кутилмаганда портлайдиганга ўхшарди.

— Э, худо-е, бошимга қандай балони сотиб олган эканман!— деб гудранарди у ҳовлида судралиб.— Йўқ, бир иложини топиш керак...

Шарифжон сартарошнинг ўзига ишбатаи ноҳуш муомаласига, тўпчиллашларига нима учундир эътибор бермасди. У ҳамон ишдан бўш кунлари келар, уйга кириб, табуреткага ўтирарди. Шарифжон баъзан сартарошни қўярда-қўймай тўйгани, бирои маросимгани етаклаб борар, кўчада харж қилишга тўғри келса Қурбонбойнинг қўлини шаппа ушлаб, ўзи чўнтагини кавларди. Баъзан эса, у сартарошнинг уйига яна бозор поими, мева-чевами кўтариб кирар, сишиққина илжайиб, дастурхонга қўярди. Унинг ўртадаги қарз етмагандек, бу йўсинида иш тутиши сартарошнинг жонфигонини чиқарар, ўзини олдингидан кўпроқ қарзга ботаётгандек ҳис этиб, бўғиларди...

Охири портлаш рўй берди.

— Сиз олинг мана буни,— деди Қурбонбой бир кун Шарифжонга ўзи жамгарган маблағни узатиб.— Биламан, ҳовли учун бу ҳали камлик қилади, лекин ҳозир бошқа иложим йўқ...

— Қўйинг, акамулло...— дея сартарошнинг қўлини қайтарди Шарифжон.

— Олинг, бўлмаса феълим айнийдим...— деди сартарош.— Ўзингиз кунда шунга келасиз...

Шарифжон бўйинини қисди.

— Майли, сиз шундай деб ўйласангиз, майли...— деб илчирлади у. Пулни олиб чўнтагига солди, ўридан турди.

— Йўқ, шошманг,— дея унинг гапидан баттар тутакди сартарош.— Мен қарзини узишим керак, тўхтаг. Мени номард деб ўйламанг, тақсир, узаман... Мана бу ҳам сизга... Мана бу ҳам...

Қурбонбой асабий кўйда девордаги гиламчани юлқиб, Шарифжоннинг қўлигига тикди. Бу билан ҳам қониқмай,

стол устида турган катта, чиройли соатни олиб, эшик оғзига бориб қолган Шарифжоннинг қўлига тутди:

— Олинг, тақсир, мен қарзимни ўзиним керак... Олинг, бўлмаса, сиз мени тинч қўймайсиз...

Шарифжон юзига тарсаки тушаётган боладек бўйинини янада қисди. Кўзлари алланечук йилтираб кетди. У бошқа ҳеч нарса демади. Гиламчани кўтариб, соатни қўлида тутганча, эшикка босди.

Қурбонбой бир нафас енгил тортгандек бўлди. Йўқ, кейин бу ҳолат ўтиб, ўзини бутунлай лоҳас сездди. Томоғи қуруқшаб, кўзларига ёш келди.

Сартарош ҳовлига чиқди. Ҳовлига чиқди-ю, унга негадир Шарифжон кетиб қолмагандек, дарвоза олдида тургандек туюлди. У Шарифжон кетиб қолганини, йўқми — бунинг ўзига нима аҳамияти борлигини билмас, аммо назарида, буни ҳозир аниқламаслигини ҳам мумкин эмасди. Дарвозага қараб кескин йўналди.

Дарвоза олдида ҳам, кўчада ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Остонада бир даста пул сочилиб ётар, нақ дарвоза ёнида ҳали девордан юлқинган гиламча ўроғлиқ турарди. Соат... Соат ҳам шу ерда эди. Уйда душпа-дуруст чиқиллаётган соат энди негадир ўз-ўзидан тўхтаб қолган эди.

* * *

Сартарошга Шарифжон қайтиб учрамади, уни сўроқлаб келмади. Сартарош Шарифжонни эслаган, кутган пайтлари ҳам бўлди. Аммо Шарифжон бари бир энди қорасини кўрсатмади.

Сартарошнинг қўллари бутунлай ишдан чиқиб қолди. У дўконини бошқа одамга топшириб, анча кун уйда бекор ўтирди. Кейин, яна кўчага чиқди. Кўчага чиқиб, уззукун гузар бошидаги масжид теграсида ивирсишини одат қилди.

— Бизнинг отамиз шайх ўтган, муллалик суягимизда бор,— деди ниҳоят бир кун Қурбонбой Салтанатга.— Мақсад, муллалик қилсак, бизга айб бўлмайди.

Қурбонбой муллалик қила бошлади. У ҳар кун қуръон тиловат қилар, отасидан қолган эски китобларни варақлар, худодан, худди ўз маъшуқаси тўғрисида сўзланган ошиқдек, камоли иштиёқ билан гапирарди.

Қурбонбойнинг кўни ўтмай муллалиги ҳам тугади.

Масжидга қатнайдиغان бир мулла нима сабабдандир қамоққа тушди. Қурбонбой гап нимада эканлигини суриштириб ҳам ўтирмай, кўнглида: «Мен ҳам қамалиб қолишим

мумкин» деган ваҳм туғилиб, масжиддан оёғини узди. Бу билан ҳам кифояланмай, талваса ичида, отасидан қолган икки сандиқ китобни ҳовли юзига чиқариб, уч марта тандир қизитди.

Қурбонбой тандирни қизитиб, ҳовлида мунгайиб ўтирганида у ўйламаган, кутмаган бир ҳол рўй берди. Ўша кунини унинг олдига ўғли Қарим билан қизи Нарзи келишди; иккиси икки томонида туриб олди:

— Дада, сиз хафа бўлманг,— деб пичирлади Қарим.— Сизнинг муллалик қилиб, тўртта нон тонганингиздан тонмаганингиз яхши... Уйда ўтира қолинг, дада...

— Қариб қолдингиз, дада, илтимос...— деб пичирлади Нарзи.

— Биз икков кечки мактабга ўтиб, ишга кирдик, дада,— деди Қарим.— Рўзгорини энди ўзимиз эплармиз...

Қурбонбой ўрнидан санчиб, жаҳл билан қўллариини силтаганча, уйга кириб кетди. Аммо фарзандларининг гани унга хуш ёқди, кўнгли бир оз ёришгандек бўлди...

* * *

Бир оқшом Нарзи ҳовли юзига шолча ташлаб, чойи дамлади, чолу кампирларни шолчага ўтқазиб, ўзи ошхонада кечки таом тарадудини кўра бошлади.

Кўчадан Қарим печундир паришон келди, ота-онасини олдидан чўнқайиб, бир ишёла чойини эзиб ичди.

— Дада, биласизми...— деб пичирлади у.— Мен бугун пешинида овқатланиш учун кўчага чиқсам, қутилмаган бир иш бўлди. Тобут... Одамлар тобут кўтариб шундай олдимдан ўтиб кетишди, дада...

Қурбонбой ўғлининг гапидан нохушлик сезиб, тўнғиллади:

— Совуқ гапларини гапирма! Қўй, болам!

— Йўқ, дада, биласизми, амаким...

Қурбонбой эсанкираб, беҳос ўрнидан туриб кетди. Кейин у ҳозироқ Қаримни етаклаб, Шарифжоннинг уйига боришини, фотиҳа ўқишини, эски қадрдонлик хурмати билан ҳафта аза тутишини ўйлади.

Йўқ, Қурбонбой ўйлаганидек иш туюлмади. У Шарифжоннинг вафот этганини эшитган шу оқшом улар хонадонини қутилмаган бир шодлик ҳам эгаллади.

Дарвоза ҳалқаси шиқирлаб тушди. Ҳалқа учига ил боғланган, одатда ёниқ дарвозани кўчадан бемалол очиш

мумкин, аммо буни бошқа одамлар эмас, фақатгина уй эгалари билишар эди.

Карим дарвоза томонга босиб, негадир ҳовли этагига борганида тўхтаб қолди. Ошхонадан югуриб чиққан Нарзи жойида қотди.

— Ака-а... акам...— дея ниҳоят садо берди Нарзи.

Салтанат қўлини ерга тираб, ярим кўзгалди-ю, қайтиб шу дамдаёқ ўтириб қолди. Қурбонбой бўлса, умуман туролмади.

Ҳовлига аскар кийимидаги йигит кирди. Қудрат!.. Унинг чиройли юзига тош теккан ойнага ўхшаш уч-тўрт дарз тушган, гимнастёркасининг бир еги белидаги қалин камарга қистириб қўйилган эди. Бир қўли билан укаси, синглисини қучди. Сўнг ота-онаси олдига келиб, тиз чўкди.

Қурбонбой ғойибдан ҳозир бўлган ўглига бақрайиб тикилган, нафаси ичига чўккан эди.

— Болам... жоним болам...— дея охири ичирлади у. Сўнг кўнгли бузилиб, кўзларидан вижир-вижир ёш қуюлди...

Қурбонбой Шарифжонни унутди... Эртаси, индини хонадонда Шарифжон эсга тушди, аммо Шарифжондан кўпроқ Ҳафизанинг эрга тегиб кетгани тўғрисида гаплашилди. Қурбонбой Қудратга Ҳафизани эслаш малол эканлигини ҳис этиб, ўғилларини эски қадрдонининг уйига бир қатла олиб ҳам боролмади. Кейин... Қудрат ўз турмуш йўлини тутди, уйланди, ота бўлди... Кейин... улар ўз-ўзларидан тинчичиб, аста-секин Шарифжонни бутунлай эсламайдиган бўлиб кетишди...

* * *

Қурбонбой Шарифжонга нисбатан узоқроқ умр кўрди. Ниҳоятда қариди.

У сўнгги пайтларда ўзидан-ўзи Шарифжонни яна кўп эслайдиган бўлиб қолди. Фақат бу эмас, қария ора-чира Шарифжон тўғрисида Қудрат билан қисинмасдан гаплашиб туришни ҳам одат қила бошлади.

— Шу... ўйласам, Шарифжон яхши одам бўлган экан,— дерди Қурбонбой.— Бечора менга яхшилик қилса, мен тентак уни доим хафа қилиб юрганман... мен унинг олдида қарздор, бунинг устига бир оз айборман, албатта...

Қария энди баъзан кўчага чиқарди. У кўчага чиқиб, одатда, Лабиховуз ёки бозор-ўчарга бормас эди. Шаҳар бекати томонга йўл солар, бекатда худди ўзининг қаердан-

дир келаётган азиз бир кишинини кутган одамдек зик, ҳорғин кезинар... узоқ кезинарди. Бекатга бормаган пайтларида албатта қабристонга борар, Шарифжоннинг қабри олдида чўнқайиб, узоқ жимгина ўтирарди.

Қурбонбой умуман уйдан кам чиқарди. У энди бир вақтлар Каримнинг дарсхонаси бўлган ҳовли кунжидаги настак уйчани ўзиники қилиб олган эди. Қария қадимги замонларда тарки дуё қилган, соқини бир гўшани танлаб, «гўшанининг» номини олган одамларини эслатар, кўпинча мудраб ўтирар, ҳовлида юрган киши фақат аҳён-аҳёндагина унинг уйчада нималариндир мингирлаб қироат қилаётганини эшитиши мумкин эди.

Қурбонбой энди Хўжа Ҳофиз ва Машраб байтларини ўқиб ўтирарди...

УЙҚУ

Ўзи қишлоқдан чиққан, лекин энди кўп йиллардан буён шаҳарлик бўлиб қолган Қаҳҳор Шодиев қишлоқда яшайдиган холасидан хат олди. Хола қаттиқ ётганмиш, уни кўрмоқчи эмиш...

Шодиев дераза олдидаги диванга оғир чўкиб, хатини икки қайта ўқиб чиқди. Кейин сербар елкаларини орқа сунгичка ташлаб, тушдан оқшомгача қимир этмай, хаёл суриб ўтирди. Уни йиллар тошқинида бутунлай унут бўлиб кетган болалик хотиралари чулғадн ва жасади қишлоқ мазорида қолган ота-онасини эслаб, бир замонлар мана шу холага ўғил бўлгани беихтиёр ёдига тушди.

Шодиев шаҳарда тўқ ва осойишта ҳаёт кечирарди. У, ўз тили билан айтганда, «умрини илмга бағишлаган» ва «анча йил риёзат чеккан», аслида эса тарихдан бор-йўғи шапалоқдай биргина китобча ёзган эди. Унга олим номини олиб берган бу асар энди ҳаттоки тарихчилар орасида ҳам тилдан тушиб, ёшлар у китобдаги кўп гапларини йўққа ҳам чиқаришди. Аммо шунга қарамай, Шодиев ўзини доим «кўхна тарихчи»лардан деб юрар ва тарихга бир қадар дахли бўлган идорада хизмат қиларди.

Шодиевнинг юрагида ҳазин ва алланечук ширин туйғулар уйғонди. Туйғулар арқон бўлиб, уни хаёл қудуғининг тубига тушириб қўйди ва худди шу кун у кичкина, озғинликдан кўзлари ўйнаб қолган хотини — Ҳафизага қишлоққа бориши кераклигини айтиб, шофери Нодирга ҳам «тайёр бўлиб» туришини таъкидлади...

Тун ўтди. Эртаси куни куёни ёйилганда уйқудан турган Шодиев ҳали тўнақдан қўзғалмасданок кечаги хатни ва бугун қишлоққа бориши кераклигини эслади. Бирданга... уни гам босди.

Гавдаси ўрта, аммо бўлиқ, юзи хамирдай бежон ва тахтадай ҳаракатсиз, кўзлари мудроқ, совуқ, кичкина соч қўйган, афтидан, тунд табиатли кишига ўхшаган Шодиев умуман ташвиини ўлгудек ёмон кўрарди. Унинг кечаги ҳолати бугун сўнган, энди йўлга чиқиб Шодиев учун шунчаки заруратдан туғилган кўнгилсиз бир ташвишга айланган эди.

У попуштадан кейин йўлга отланиб хонадан чиқди ва оёғи ҳеч ёққа тортмай, суна лабида бир нафас тўхтаб қолди. Кўз эртаси бўлиб, куёш илиққина нур сочар эди. Сунанинг тўртбурчак оби гиштлари устида боши катта, бели ингичка чумолилар саратон қишларидаги сингари «хачир карвони» бўлиб сурғалиб юришарди. «Ой худойим-эй, шу тирноқча келадиган чумолиларда ҳам тинчлик йўқ!» деб ўйлади Шодиев.

У хром этик ва дағалгина қора илаш кийган эди. Уни қалин кийинтирган хотини, бу етмагандек, қўлига «камширга кўз хаки» деб кичкина бир тугун ҳам тутқазди. Кейин эрини бола ўрнида кўрадиган Ҳафиза «йўл совуқ бўлади», деб яхшироқ ўраниш, «оч-наҳор қолмаслик учун йўлда овқат еб туриш» ҳақида бир қатор «фойдали маслаҳатлар» берди...

— Мавлудани йўлда кўриб ўтасиз-а!— деб пичирлаб қўйди у ниҳоят.

Мавлуда уларнинг якка-ягона қизлари бўлиб, шаҳар этагидаги бир қишлоқчада муаллима эди.

Шодиевга қизи ҳақидаги гап ўлганининг устига тенгандек туюлди. Камширга бориш-ку зарурат, бунисига ҳозир бало борми?!

У: «Қўй, бошқа пайт, бугун бари бир қизингга бор-майман!» деб хотинига кўнгилдаги гапни рўйирост айтиши мумкин эди, аммо «фойдали маслаҳатлар»га бекордан-бекор қулоқ тутиб, уларни тасдиқлагани сингари, бунга ҳам бошини тебратиб қўя қолди. Сўнг чексиз гуноҳлари ҳаққи тавба қилаётгандек, иккала қўли билан йўл-йўл гунчаги ёқасини маҳкам гижимлаган Ҳафизанинг жавдираган кўзлари ўзига умидвор тикилаётгани учун ҳам шунчаки пичирлади:

— Йўлга чиқайлик-чи. Қараймиз...

Каттакон қизил дарвоза олдида хўжайинини рангсиз, ғилдиракларининг усти ва манглайи пачоқланиб кетган

«Москвич» кутиб турарди. Паст бўйли, жингалаксоч йиғитча жун кўйлаги енгларини шимарганча, машина атрофида уймалашарди. Нодир есмди бу йиғит янаски гавдаси ва кичкина бошидаги хурпайган сочи билан шер ваччага ўхшар, кичик юзига ишбаташ кўзлари катта, чиройли эди. Бир қарашдан уни қадимги юнон ҳайкалтарошлари болалар тасвирига намуна қилиб йўнган ҳайкалча ларга ҳам ўхшатса бўларди.

— Сен йўлда совуқ емайсанми, болам?— деб сўради ундан Ҳафиза.

— Йўқ. Мен ўзи қишдаям совуқ емайман, хола!— деди негадир Нодир унга жавобан.

Шодиев Нодирни серган ва бир оз маҳмаданароқ деб биларди. Хотини унга ҳам бир қатор «фойдали маслаҳатлар» беришга оғиз жуфтламасдан ва «шофер бола» ўз маҳмаданилигини кўрсатмасдан туриб, тезроқ йўлга чиқини учун хотини билан хайрлашишга ошиқди:

— Хўи, сендан камширга салом айтаман... Яна нима дейсан?!

— Тирик бўлсалар салом дейсиз. Бўлмаса мен билмадим...— деб ғудраниб совуқ нафас қилди Ҳафиза.— Қачон қайтасиз?!

— Эрталарга балки...— дея мужмал жавоб қайтарди Шодиев. Унга хотинининг совуқ нафас қилгани ёқмаган эди.

— Лекин Мавлудани албатта кўриб ўтинг,— деб таъкидлади Ҳафиза.

Шодиев индамади.

«Москвич» оҳиста ўрнидан жилди. Йўловчиларни олис йўл ва йўлда учраб турадиган саргузаштлар кутар эди...

* * *

«Москвич» уста сартарош бир умр устара қайраган тасма сингари йилтираб қолган ингичка асфальт йўлда оҳиста ғилдираб борарди. Шаҳар бағридан бир кесим тўлқиндек отилиб чиққан бу йўлнинг иккинчи учи уфқ сийнасига қадалган эди. Чор-атроф куз нафасидан заъфарон. Йўл четларида гоҳо япроқлари сўлғин, яккаҳол да рахтлар, қамиш ёки пичан ғарамлари кўзга ташланарди. Гоҳ эса танин босилган сийрак томлар, хурпайган тўқайлар, қандайдир кулранг тепачалар ва шу тарздаги дашт манзаралари намоён бўларди. Йўл устида баъзан бирталай қизғини тупука томли оқ иморатлар, баъзан қуюқ боғ-

лар, четан деворлар ичида қаланғи-қасанғи қурилган эски бинолар ҳам учрарди. Лойсувоқ қишлоқ ховлиларининг пастак дарвозалари остонасида биқиниб ётган кўзлари маржон лайчалар индек ариқчалардан ҳатлаб, машина кетидан вангиллаб югуришар, кейин тўзон ичида қолиб кетишарди. Ёввойи ўрдаклар, қарғалар, қораялоқ қушлар тўп-тўп бўлишиб, худди тўрнарладек бош устида сил-тана-силтана парвоз қилишарди. Булардан сўнг яна ва яна бир хил кўринишдаги заъфарон, кўнгилсиз, бепоён, қандайдир хазин дашт давом этар эди...

— Шу йўлдан тўғри кетаверамизми?— деб сўради Нодир ниҳоят Шодиевдан. У яқиндан буён машина ҳайдар, Шодиев бормоқчи бўлган қишлоқнинг номини эшитганига қарамай, қасрдалигини билмас эди.

— Кетаверамиз,— дея қисқа жавоб қилди Шодиев. Кейин бир оз тушунтириш берди:— Бир амаллаб топиб борармиз. Мен ҳам бормаганимга уч-тўрт йил бўлди. Кетаверсак, балки эсларман...

— Қизингизни кўриб ўтмаймизми?— деб сўради маҳмадана Нодир. У хўжайин йўлда қизини кўриб ўтмоқчими, йўқми, буни ҳам аниқлаши керак эди.

— Ҳозир бу шарт эмас,— деди Шодиев...— Қизимиз ўзи уйга келиб туради. Ўтган ой келган эди...

— Холам хафа бўлмайдиларми?

— Хафа бўлсаям, бўлмасаям гап шу. Кампир муҳим, унисига бошқа пайт борилар...

Анча йўл орқада қолган, вақт ҳам энди тушга яқинлашган эди. Йўл устида бир печа марта олди энисиз, узун айвондан иборат, чекка ерлардаги қўналғаларга хос ошхоналар кўринди. Шодиев шундай ошхоналардан бирининг олдида машинани тўхтатишни буюрди:

— Бир оз тамадди қилиб олайлик.

Улар баланд зинадан айвонга кўтарилиб, ичкарига киришди. Ошхонада одам сийрак. Қовурилаётган балиқ ва ичкилик ҳиди димоққа урилди. Ошхонанинг бир томонида чой сотилар, иккинчи томонда буфет жойлашган эди.

— Шаҳардан чиққинг келмайди-ку, лекин менга йўлнинг мапа шу жиҳати ёқади,— деди Шодиев ошхонани кўздан кечираётиб, беҳосдан жонланган кўйда. Сўнг Нодирга таклиф қилди.— Сиз балиқ билан чойга қаранг. Мен бу ёққа...— У шошганича буфет томон юрди.

Нодир балиқ билан чой олди. Шодиев шиша кўтариб келди.

— Бадашни сал қизитиб олсак, зиён қилмас,— деди

хўжайини шоферга.— Аттанг, сизга мумкин эмас, бўлмаса бу жонивор балиқ билан...

Улар тамадди қилиб, яна йўлга тушишди.

* * *

Машина ҳамон асфальт йўлдан олдинга босарди. Шодиев энди орқа ўрнида ялнайиб ўтирар, ширакайф ҳолатда Нодирга адланималаринидир ҳикоя қилиб борарди:

— Қизимни ҳам кўриб ўтсак бўларди, албатта. Мен ота сифатида, биласиз... Лекин кўнгилга сиғмагандан кейин... Холам бечора ўзи қадрдон қишлоқда тинч ўтирганмикан?! Шўрлик холам...

Шаҳар бағридан тўлқиндек отилиб чиққан, то ҳозир тўғрига кетган йўл ногаҳон иккига бўлинди.

— Қайси томонга, Қаҳҳор ака?— дея машинани секинлатиб сўради Нодир.

— Бир минут тўхтанг-чи,— деб тўнғиллади Шодиев, гаши бўлиниб қолганига сал ўкинган оҳангда.— Шу бурилиш унча эсда йўқ экан. Ўнгда эди шекилли. Ўнгга ҳайдай-веринг. Яна қараймиз...

Машина йўлга тушди. Тағни дашт. Заъфарон, кўнгилисиз дашт...

* * *

«Москвич» хали шаҳардан чиққанида ғарб уфқида биргина булут нарчаси осмонга учиб кетган чойшабдек ҳилшираб турган эди. Ўша булут нарчаси энди чодир бўлиб, аввал осмоннинг ярмигача тортилди ва сал ўтмай, чодирнинг иккинчи этаги уфқининг у чеккасига миҳланиб қолди. Булут хурпая бошлади ва худди шу аснода афсоналардаги буруксаган тутун ичидан дев чиққандек, беҳос қўзғалган кучли шамол дашт кўксини ялай бошлади. У хору хасларни юлиб-юлқиб, ўйинга соларди. Атрофни тўзон қоплаган, шамол қутурар ва гўёки ярим тунда очликдан силласи кўриб, қир учига чиққан чиябўри боласи сингари увиллар эди.

Бирдан худди баҳордагидек шовур-шувурлаб майини ёмғир савалай бошлади. Ёмғир тез орада тўзонни босиб кетди ва ўз вазифасини адо этгандек, у ҳам дарровгина тинди-қолди... Аммо шу лаҳзадаёқ олча ёки ўрикнинг узин

ди гулига ўхшаган қор учқунлари машина ойнасига қўна бошлади...

* * *

Шодиевнинг Нодирни «бир оз маҳмаданароқ» деб билишида жон бор эди. Нодир чиндан ўзига андак бино қўйган, қайсар, уздабурон йиғитча эди.

Шаҳардан чиққанда унинг кайфияти яхши эди. Бироқ ўлим тушагида ётган бемор холадан хабар олишга чоғланган Шодиевнинг лоқайдлигини кўриб, асаби бузила бошлади. Шодиев ичиб олгач ва орқа ўрнида оғзидан арақ, пиёз хиди аққиб ўтиргач, унинг табиати буткул хира бўлиб қолди. Устига-устак, ёмғир, қор ёғди. Шунча даҳмаза етмагандек, қишлоққа тўғри кириб боришнинг ўзи ҳам даргумон эди. Нодирнинг феъли энди бутунлай айниб, жаҳли чиқа бошлади...

Ҳаво бузилганидан кеч киргани билимаган экан, баногоҳ қоронғи тушди. Ер ёмғир аралаш қордан нам тортган, нари-берида дўппайган оқимтир тепачалар ва ҳали ўзига қор юқтирмаган қорамтир ўнгирлар кўзга бирма-бир чалинар эди. Йўл нечундир тораёиб бораётгандек бўлди, кўп ўтмай чиндан торғина сўқмоққа айланди. Машина қандайдир дағал илдишларни шатирлатганча олдинга боса бошлади ва ниҳоят, каттакон бир майдонга чиқди.

— Йўл тугади,— деди Нодир.— Ўзим олдиндан шундай бўлишини билгандим.

Нодирнинг гапига жавобан Шодиевдан ҳеч садо чиқмади. Машина ғилдираклари энди қандайдир чуқурликка тушди ва бекордан-бекорга визиллаб айлана бошлади. Машина олдинга ортиқ сурилмас, суяклари абгор бўлган юз йиллик хаста каби бутун ашқол-дашқоллари зорланиб дириллар ва у қаттиқ титраётганга ўхшар эди.

— Мана сенга кадрдон қишлоқ!— деди киноя билан Нодир.

Унинг бу гапига жавобан ҳам Шодиевдан садо чиқмади.

Нодир моторни ўчирди ва машина чироқларидан борлиққа сенилаётган бир даста сарғимтир ёғдуга тикилиб қолди. Чироқ ёруғида ялтироқ қор зарралари ўйнаб-ўйнаб оқар, даштда қордан хирмон уяётган зўравон шамолнинг бетиним увиллагани аниқ эшитилиб турарди.

Нодир ялтироқ қор зарраларига ўйчан тикилганча,